231097

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

10 октябр, № 41 (3516)

Пахта-97

ХОРАЗМ МАРРАГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Ушбу кунларда жаннатга менгзалган она диёримизнинг қай бир бурчагига боқмайғ куз саховатидан баҳрамандлик, зўр ишчан кайфият кўзга ташланади. Айниқса, «олтин қўл» соҳибларининг қўли-қўлига тегмайди. Мамлакатимиз тараққиёти, унинг буюк келажагига катта ҳисса бўлиб қўшилгувчи, ҳақиқий заҳматона меҳнат билан яратилган пахта ҳосилини тез ва соз йиғиб-териб олиш ҳар бир ўзбек деҳқонининг орзу-ўйига айланган.

Айниқса, бу йил давлатга 290 минг тонна оқ олтин топширишни ўз зиммаларига олган хоразмлик уста пахтакорлар эришаётган ютуқлар мақтовга арзигулик. Улар эрта-индин ғалаба рапортига имзо қўйиш арафасидалар. Бу бўлғуси ғалабага ўз ҳиссасини режадан ошириб пахта топшириш билан қўшаётган 64 та хўжалик ва 825 та бригада деҳқонларига офаринлар айтгинг келади. Мавсум бошидан пешқадамликни қўлдан бермай келаётган Шовот тумани пахтакорлари шу кунгача 36 минг 900 тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмонини бунёд этдилар. Бу режага нисбатан 3 минг 900 тонна ортиқ демакдир. Шовотлик «оқ олтин» бунёдкорлари билан изма-из Хонқа, Хива ва Дўстлик тумани пахтакорлари ҳам режадан ошириб ҳосил топширмоқдалар. Қўшкўпир, Боғот, Янгиариқ, Урганч туманлари заҳматкашлари эса кун сайин «финиш»га яқинлашмоқдалар. Вилоятнинг тикланаётган юксак пахта хирмонига «Хоразм» жамоа хўжалигидан Улуғбек Норматов, «Шовот» жамоа хўжалигидан Отахон Сапаев, «Бўстон» жамоа хўжалигидан Бибижон Қурбонова бошлиқ кўплаб бригадаларда олинган ҳосилдорлик гектарига 40-45 центнерни ташкил этган бўлса, Зулфия Отахонова, Бахтиёр Олимов, Норгул Дархонова, Қурбоной Ёдгорова каби илғор пудратчилар ҳар гектар ердан 45-50 центнер пахта йиғиб олишга эришдилар. Буларнинг барчаси хоразмлик тадбиркор пахтакорларнинг кеч куздан то ҳозирга қадар қилган машаққатли ҳамда шарафли меҳнатлари туфайли вужудга келди. Шу билан бирга, терим мавсумининг яхши йўлга қўйилгани, теримчиларнинг иш ҳақларини ҳар беш кунда муттасил бериб борилиши, илғор теримчиларни рағбатлантириш муваффақиятлар омили бўлди.



Қадим ва навқирон Хиванинг 2500 йиллик туйига муносиб тўёна тайёрлаётган хоразмлик «оқ олтин» бунёдкорларига минг тасаннолар айтгимиз, «Ҳорманг, уста пахтакорлар!», дегимиз келади.

О. КАМОЛ

Чингиз АЙТМАТОВ

ЎТАР ҚУШЛАР НОЛАСИ 4-бет

5-бет ОҲАНГЛАРГА АЙЛАНГАН ОДАМ...

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ТУРКИЯДАГИ ДОВРУҒИ

Қардош Туркия билан турли иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланиши янги босқичга қадам қўйди. Суръат, шиддат замонига ҳамоҳанг бир тарзда, неча ўн йиллар давомида турли сабабларга кўра бой берилган имкониятлар ўрнини қоплаш учун ҳар икки ўлка маданият ва санъат намояндалари жадал фаолият олиб бормоқдалар. Хусусан, кейинги йилларда ўзбек насрининг бир қанча гўзал намуналари Туркияда чоп этилгани ҳақида илгари хабар берган эдик.

Таниқли олим, фан доктори Ёвуз Оқпинар раҳбарлигида чоп этиб келинаётган «Қардош адабиётлар» журнали ўзбек адабиётини туркиялик китобхонларга танитиш борасида анчагина хайрли ишларни амалга оширди. Рамз Бобожон, Тоҳир Қаҳҳор, Шерали Турдиев ва бошқа ёзувчиларимизнинг асарларидан бир қанча намуналар журналнинг дастлабки сонларидаёқ эълон қилинган эди. Ўзбек адабиётини, хусусан, замонавий ўзбек шеъриятини таржима қилиб, чоп этиш иши сўнгги уч-тўрт йил ичида айниқса кучайди. Бу жонланишда ўзбек адабиётининг тадқиқотчиси, таржимон Байрам Ўроқнинг катта ҳиссаси бор. Хусусан, у Эркин Воҳидовнинг туркча сўйлатганидан сўнг катта эътибор қозонди. Эркин Воҳидовнинг хориждаги илк китоби — «Танланган шеърлар»и Туркияда айни шу жонкуяримиз Байрам Ўроқ таржимасида Туркия Маданият вазирлиги нашриёти томонидан нашр этилди.

Замонавий ўзбек шеъриятини яқиндан кашф этган туркиялик китобхонлар ўртасида бизнинг назмимизга қизиқиш жуда кучайди. Бу эса таржимонимизни янги парвозлар сари илҳомлантирди. Илгари Рамз Бобожон, Миразиз Аъзам, Тоҳир Қаҳҳорларнинг шеърларини ўгириб, журналда нашр этган Байрам Ўроқ журнал ўқувчиларини Муҳаммад Юсуфнинг «Кўҳна қудуқ» достони билан ошно қилди.

Яқинда, журналнинг сўнгги 40-сонида машҳур шоиримиз Абдулла Орифнинг туркум шеърлари эълон қилинди. Шоирнинг «Тилла балиқча», «Бобур», «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни», «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Она тилимга» каби шеърлари туркиялик шеърият ихлосмандларига манзур бўлди.

— Ўзбек шеърияти турк дунёси адабиётининг энг кучли, теран бадиий юксак намуналаридан бири эканига шубҳа йўқ, — дейди Байрам Ўроқ. — Ўзбек адабиётини билмаган, унинг ҳайратомуз, қуйма, гўзал асарларидан бехабар бўлган одамни Туркистон адабиётидан бохабар деса бўлаверади. Бошқаларнинг ўзига хос ўрнини қайд этган ҳолда, шуни таъкидлашни истайманки, ўзбек адабиёти Марказий Осиё адабиётининг марказида туради. Туркистон адабиётига ўзбек адабиёти деб номланмиш эшикдан кирилади.

Кези келганда газетхонларимизга таржимонимизни яқиндан таништириб қўйган яхши. Байрам Ўроқ 1961 йили Маниса шаҳрида туғилган, 1985 йили Измирдаги Эге университети адабиёт факултетини тамомлаган. Бироз вақт Денизлида муаллимлик қилди, сўнг Эгей университетига қайтиб, адабиётдан дарс бериб келмоқда. Лутфийнинг «Гул ва наврўз» достони ҳақида мастерлик ишини ҳимоя қилди. Ҳозирги вақтда таржимонлик билан бир қаторда Ёвуз Оқпинар раҳбарлигида замонавий ўзбек адабиёти мавзуида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Ўзбек шоирлари билан бир қаторда у ўзбек адабиётшунос олимларини, тадқиқотчиларни ҳам танитишга ёрдам қилмоқда. Хусусан, Абдуғафур Расулов, Шерали Турдиев, Яшар Қосимов, Рустам Шариповларнинг адабиётшуносликка оид мақолалари «Қардош адабиётлар»да Байрам Ўроқ ҳамкорлигида чоп этилди.

Байрам Ўроқнинг режалари катта. Ўзбек шеъриятининг гўзал намуналарини мунтазам суратда чоп этиш давом эттирилиши билан бир қаторда, «Замонавий ўзбек шеърияти» рукни остида бир қанча шоирларимизнинг китоблари ҳам нашрга тайёрланади. Бу хайрли фаолият адабиётларимизнинг, маънавий дунёмизнинг ўзаро бойишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бобохон ШАРИФ

ЎЗГАДАНМАС, ЎЗИМИЗДАН...

Қуёш ўз ётоғидан чиқар-чиқмас, азим Тошкент уйғона бошлайди. Барча-барчамиз ҳаёт деб аталмиш чексиз уммонга ўз ташвишу муаммоларимиз, қувончу шодликларимиз ила шўнғиб кетамиз. Бир неча соат тин олган бечора оёқларимиз яна сизу бизни метро, трамвай ва автобус бекатлари сари бошлайди. Метрога тушсак-ку, мазза! Майин шабада (сунъий бўлса-да!) хуш ёқади, мисли кўрилмаган озодалик баҳри-дилимизни очади. Аммо... Аммо ер устида ҳаёт бошқача!

...Ер устида — бекатда автобус кутамиз. Шошганимизни билган каби автобус ҳам «ноз» қилади — кела қолмайди. Кайфиятимиз бузилиб, унга даво истаймиз. Сигарет тутатамиз... Қолдиғини эса тўғри келган жойга улоқтирамиз. Агарда сал инсоф қилсак, қолдиқларни ташлагани махсус жой қидирамиз. Ёнгинамизда музқаймоқ еб турган аёл «ейишнинг иложи йўқ қисми»ни сув ўрнига турфа хил «импортний» ичимлик идишларию қоғоз чиқиндилари билан тўлган ариқчага итқитади. Унинг бу ҳаракатидан сўнг икки болакай ҳам онасининг «қилиғи»ни бирма-бир такрорлайди. Бекатни бошига кўтариб гаплашаётган анов беш гўзалнинг чиройли лабдаҳани бирданига икки ишни уддалайди: биринчидан, янги модалар тўғрисида «билимдонлик» қилса, иккинчидан, қўл узатган «семечка»ни чақиб тўфлайди...

Етти-саккиз соатлик иш кунимиз ҳам сониялар мисол тез «қарийди». Чарчоқ ва юмшоқ автобус ўриндиғи бизни ширин хаёлларга бошлайди. Тинимсиз шовқину ҳаракатдан безор қалбларимиз сокинлик истайди. Гўзал хаёллар узоққа бормайди. Хаёл отимизнинг жиловини йўл бўйларида бурқсиб, тутаб ёнаётган хазон уюмларию чиқиндизорлар тортади. Кайфиятимиз баттар бузилиб, кимлардандир ўпкаланиб, қайсидир «масъул»ларни айбдор санаймиз. Аммо, минг афсуслар бўлсинким, ўзимизда зарра гуноҳ сезмаймиз. Шаҳардан сал четроқ чиқиб «ахлат тоғлари»га дуч келиб қолсак, бурнимизни жийириб ёхуд «тоғ ижодкорлари»ни қарғаб ўтамиз-да, эрталабки «кичик ҳисса»миз ҳеч ҳам ёдга тушмайди. Ҳатто «Бу ерга чиқинди ташлаганлар шу каби хор бўлсин!», каби қалбга тиғдек ботгувчи сўзлар ёзилган устунлар остига челакларни ағдараётганимизда ҳам виждонимиз қийналмайди. Гўё, ҳиссиз, ўлик тош кабимиз. Шунчалар лоқайдмизки, ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ишимиз йўқ. Атроф-муҳитга бўлган меҳрсизлик қалб кўзларимизни кўр қилиб қўйган. Шунчалар кўрмизки, «девор бўлмаса, кўчани кўрамиз», холос. Бундайин бепарволик — бу каби оғир дард бизларга қачон, қайдан, кимлардан юқа қолди, ўзи?!

Ахир, ота-боболаримиз ўзлари яшаб турган жойга чексиз меҳр билан, муҳаббат билан муносабатда бўлганликлари чин ҳақиқат-ку! Аждодларимиз табиатни ўз оналари каби суйганлари ёлғонми? Тупроқни булғамоқни, сувга туфламоқни катта гуноҳ деб билган боболардан бизга қай хислатлар мерос қолдийкин, бу кун? .. Ёким «дард» деб атаётганим — лоқайдлик, бепарволик ўтган «қора тарих»нинг иши дея ўз-ўзимизни алдаб ўтирсак, кўнгилларимизни овунтирсак бирор фойда бормикан?! Фикримча, бу каби оғриқли саволларнинг жавоби-да, ечими-да битта. Дунёга ўзгача кўз билан боқмоғимиз, лоқайдлик билан «оғриган» қалбларимизни тафаккур чашмалари билан «даволамоғимиз» шарт. Зеро, юксак маънавиятнинг талаби ҳам шу.

Камол ОЛЛОЁРОВ

БРИТАНИЯ ФЕСТИВАЛИ АЖОЙИБОТЛАРИ

7 октябр куни муҳташам «Туркистон» саройида «Британия фестивали» кўргазмаси очилди. Кўргазмада Буюк Британиянинг жаҳонга машҳур компаниялари ўзининг энг замонавий маҳсулотларини, асбоб-ускуналарини намойиш этмоқдалар.

Сарой бўсағасида «Кейс» трактори савлат тўкиб турибди. Заллар бўйлаб юрганингизда турли-туман маданий, маиший, қурилиш, саноат, тиббиёт ускуналарига, хилма хил молларга кўзингиз тушади. «Каргилл комодитиз инк», «Кейс корпорейшн», «Кросрол ЛТД», «Финнфидс интернейшнл ЛТД», «Инпроджекс интернейшнл ЛТД», «Жон Лэйнг интернейшнл лимитед», «Маркони инструментс», «Ранк ксерокс ЛТД» каби компаниялар фаолиятлари билан танишасиз.

«Рехаб энд медикал ЛТД», «Хью Стипер лимитед» компанияларининг ногиронлар ва асаб хасталикларига чалинган беморлар учун ишлаб чиқарган тиббий ёрдам воситаларини кузатасиз.

«ЕФ Интернейшнл Лангуич Скул» ташкилоти ва «ОИС-ФЭРСТ ЭДУКЕЙШНЛ» агентлиги эса, сизга маориф ва маданият соҳасидаги дастурларини, тил ўргатиш, билим малакаларини ошириш хизматларини тавсия этади.

«Британия саёҳат бошқармаси» эса сизни Англия, Шотландия ва Уэльс саёҳатига таклиф этади.

Саройнинг иккинчи қаватига кўтарилсангиз бениҳоя ҳайратга тушасиз. Дастлаб, қадимги Буюк Британия қироличаси Елизаветта I га рўпара бўласиз. Маликанинг тахтда ўтирган ҳолати гавдаланади. Эгнида дурру гавҳарлар қадалган ҳашаматли либослар, бошида тож. Унинг лаблари қимирлайди, юзларига ранг югуради. Сизга гап қотиб, кўзлари билан у ён-бу ёнга боқади. Британиянинг давлат рамзларини, бебаҳо хазиналарини томоша қилишга таклиф этади.

Тожлар, кўҳи нурлар, олмослар, марварид, зумрад, қаҳрабо тошлар жилосидан кўзингиз қамашади. Шамширу ханжарлар, чўқморлар, ҳукмдорлик размлари — олтин ҳассаларни қизиқиб томоша қиласиз. Икки ёнда қадимий Англия навкарлари ҳарбий уст-боши, қурол-яроқлари билан қоматга келтирилган.

Хуллас, «Британия фестивали»нинг кўргазмаси сизда ажойиб таассурот қолдиради.

М. РУСТАМ

Диққат: танлов!

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, истеъдодли ёш хонандаларни кашф этиш мақсадида, Самарқанд вилояти ҳокимияти билан биргалиқда 1997 йилнинг 17—19 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида республика хонандаларининг машҳур ҳофиз, созанда ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги танловини ўтказади.

Шу муносабат билан «Ўзбекнаво» бирлашмаси бўлим бошлиғи Аҳмаджон РАҲИМОВ мухбиримизнинг бир неча саволларига жавоб берди.

— Аввало, танловнинг мақсади ва қатнашувчилар ҳақида маълумот берсангиз.

— Танловнинг асосий мақсади ёш ва истеъдодли хонандаларни кашф этиш, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатимизни ривожлантириш, устоз ҳофизлар яратган анъанавий ижрочилик мактабини авайлаб-асраб авлодларга етказишга қаратилган. Тадбирда мамлакатимиз театр, концерт, радио ва телевидение жамоаларининг 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган яккахон хонандалари, олий, ўрта-махсус бадиий ўқув юртларининг ўқитувчи-талабалари, иқтидорли ҳаваскор йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин.

— Муштарийларни танловда ижро этиладиган қўшиқлар мазмуни қизиқтириши табиий.

— Тасдиқланган Низом бўйича, ёш хонандалар танловнинг биринчи босқичида устоз ҳофизнинг «Гулизорим», «Бозурғоний», «Бебоқча», иккинчи босқичда «Самарқанд ушшоғи», «Ушшоғи Ҳожи Абдулазиз» ашулаларини, якуний босқичда эса «Шашмақом» намуналаридан бир қўшиқни ижро этишлари керак. Бунда улар биринчи навбатда Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг ижрочилик услубини, яъни бизга мерос бўлиб қолган анъанавий ижрочилик мактабини ўз талқинларида кўрсата билишлари лозим.

— Маълумки, шунга ўхшаш танловлар бўлиб ўтди. Улардан келиб чиқадиган хулосалар қандай?

— Ҳа, албатта, шу йилнинг май ва июн ойларида Маъмуржон Узоқов ва Комилжон Отаниёзов номларидаги танловлар ўтди. Уларда аваламбор ёш, истеъдодли хонандалар кашф этилди, ўнлаб ёш хонандаларнинг ижодий йўллари аниқланди. Шу билан бирга, бу танловлар миллий қўшиқчилик санъатимиз олдида турган айрим муаммоларни бартараф этишда сезиларли ёрдам бермоқда.

— Танлов ғолиблари учун қандай мукофотлар таъсис этилган?

— Танлов ғолиби бўлиб 1-ўринни эгаллаган хонандага 50 минг сўм пул мукофоти, 2-ўрин учун 40 минг сўм, 3-ўрин учун 30 минг сўм пул мукофотлари ажратилган.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, танловда иштирок этишни истаган хонандалар шу йилнинг 25 октябригача «Ўзбекнаво» бирлашмасида тузилган Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги танлов Ташкилий қўмитасига ҳужжатларини топширишлари керак. Керакли маълумотларни «Туркистон» концерт мажмуасида ёки 34-00-43 телефони орқали олишлари мумкин.

Биз бу танлов ҳам бошқа шу каби тадбирларга ўхшаб ёш, истеъдодли хонандаларни кашф этади, миллий қўшиқчилик санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

«ЎЗБЕКНАВО» гастрол-концерт бирлашмаси, 1997 йилнинг 14 октябр куни соат 18.00 да «Туркистон» концерт саройида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси билан ҳамкорликда КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗАДИ.

Концертда: Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон ЁҚУБОВ, Фаррух ЗОКИРОВ, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Ортиқ ОТАЖОНОВ; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Кумуш РАЗЗОҚОВА, Сайёра ҚОЗИЕВА, Азим МУЛЛАХОНОВ, Нодира СУЛТОНОВА, Бахтиёр СУЛТОНОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Чипталар «Туркистон» саройининг кассаларида сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 44-56-07, 34-99-45.

МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида миллий матбуотимиз заҳматкашларидан бири, 30-йиллар ўзбек маърифатпарварлари мавзуидаги туркум мақолалар муаллифи, моҳир таржимон Холида Аҳророванинг 70 йиллиги нишонланди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон очди. Холида опани қутлуғ ёшлари билан муборакбод этди. Опанинг ижод йўлида кўрсатган беминнат хизматлари ва фидойи меҳнатларини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, таниқли таржимонадиблар Ваҳоб Рўзиматов, Қодир Мирмуҳамедов Холида Аҳророванинг ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. «Шарқ» матбаа-нашриёт концерни директори Ислом Шоғуломов Холида Аҳророва асарлари ва мақолаларининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида гапирди.

Адиблар — Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, шоиралар Ойдин Ҳожиева, Турсуной Содиқовалар Холида Аҳророва сабоқлари хусусида сўз айтдилар. У киши таржима этган Балзакнинг «Ушалмаган орзулар», Толстойнинг «Тирилиш» романлари қайта-қайта тилга олинди. Таржимон маҳорати таъкидланди.

Тошкент шаҳар рус маданияти маркази жамоасидан Сергей Антипов, «Маҳалла» жамғармасидан Муборакхон Юнусҳўжаевалар ҳам Холида опанинг ибратли фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Кеча сўнгида Холида Аҳророва ўзининг дил сўзларини изҳор этди.

ДАМАШҚДА «САМАРҚАНД» МЕҲМОНХОНАСИ

Жаҳондаги энг кўҳна пойтахт шаҳарлардан бири бўлмиш Дамашқ мўътадил иқлими, қадимий обидаларга, муқаддас зиёратгоҳларга, серфайз гўшаларга бойлиги билан оламга машҳур. Унинг сершарқин кўчалари серзавқ, хушмуомала сурияликлар, саёҳатчилару зиёратчилар билан ҳамиша тирбанд.

Ана шундай гавжум кўчалардан бирида кетаётиб кўзим лотин ҳамда араб ҳарфларида катта-катта қилиб ёзилган «Самарқанд» деган ёзувга тушиб қолди. Бу кўркам, замонавий меҳмонхонанинг номи бўлиб, ойнаванд эшикларидан шинам йўлак кўриниб турарди.

Ажаб, нечук бу меҳмонхонанинг номини «Самарқанд» деб қўйдилар экан... Ёки унинг хўжайини асли самарқандликмикан... Бундай тахминга боришимнинг бир сабаби бор эди. Уч-тўрт кун аввал ўғлим Сардорбек билан кўчада кетаётсак, ортимиздан келаётган бир мўйсафид бизга соф ўзбек тилида мурожаат қилиб қолди:

— Бироз тўхтанглар, азизлар, Сизлар ўзбекмисизлар?

Биздан тасдиқ жавобини эшитгач, суҳбат бошланиб кетди. Суҳбат асносида маълум бўлдики, отахон асли бухоролик бўлиб, ёшлигида ота-онаси билан бу томонларга келиб қолган экан.

Хуллас, ҳозир меҳмонхона пештоқидаги ёзувни кўриб, ўша кунги воқеа ёдимга тушди-да, бу маскан хўжайини ҳам юртдошимиз ёки унинг фарзандларидан бўлиши мумкинлигини кўнглимдан ўтказиб, ичкарига кирдим. Қадам қўйишим биланоқ, меҳмонхонанинг хушмуомала хизматчиси самиймий табассум билан пешвоз чиқди: «Нима истайдилар, хоним?»

Мен Ўзбекистондан эканимни, Самарқанд юртимнинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлгани учун бу жойга шу шаҳар номининг қўйилиши тарихи билан қизиқаётганимни айтдим. Шунда хизматчи воқеани сўзлаб берди.

Маълум бўлишича, меҳмонхона соҳиби Абдураззоқ Серафий 1980 йили Самарқандга саёҳат қилган экан. Ушанда кўҳна шаҳардаги меъморий обидалар, меҳмондўст, самимий самарқандликлар унинг қалбида унутилмас хотира қолдиргани учун меҳмонхонасининг номини «Самарқанд» деб қўйишга қарор қилган.

Бундай эътирофни эшитар эканман, қалбим ғурурга тўлди. Оламга машҳур Уммавийлар масжиди, кўҳна Дамашқ қасри, Ҳамидия бозори ва Салхия расталари ўрталигида қад ростлаган бу ҳашаматли меҳмонхонадан чиқар эканман, юртимда шундай шаҳар борлиги, у чет элликлар қалбига чуғ сололгани билан фахрланиб қўйдим.

Мунаввара САИДЗОДА
Андижон-Дамашқ

Суратда: меҳмонхонанинг умумий кўриниши (сурат муаллифники)

МУЛЛО МИРМУҲАММАД ЗАРРИНҚАЛАМ ВА ХАТТОТ ТАМҲИД САМАРҚАНДИЙ

Шавкат Воҳидов — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси. Самарқанд шаҳрида маърифатли оилада туғилиб ўсган. Машҳур хаттот Мулло Мирмуҳаммад Зарринқалам авлодининг давомчиларидан.

Домла Шавкат Аҳадович Ўзбекистондаги Ядро физикаси институтида кўп йиллар самарали фаолият олиб борган машҳур олимларимиздан ҳисобланади. Ҳозир у киши мамлакатимиздаги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, республикамизда фаолият кўрсатаётган халқаро аэрокосмик мактабнинг ташкилотчиси ва раҳбаридир.

Шавкат Аҳадович ўзи вояга етган оиланинг маърифат чўғларини ўчирмасдан, қалбида асраб-авайлаб келаётган аҳли донишлардан ҳам. Айтиб ўтиш жоизки, Шавкат аканинг ота-боболари, аммаҳолалари ғазалнавис зотлар бўлишган. Домланинг ўзлари ҳам бу соҳадан йироқ эмаслар. Шавкат Воҳидов шу кунларда айни 65 ёшга тўлиб турибдилар. Бизга лутфан тақдим этган мақолаларида эса боболари Мулло Мирмуҳаммад Зарринқалам ҳақида илк дафъа муштарийларимизни таништирмоққа жазм этибдилар.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Самарқанд қадим улайёмдан ўзининг шоиру олимлари, бинокору наққошлари, мутрибу раққослари, зардўзу заргарлари билан бир қаторда моҳир хаттотлари билан ҳам машҳурдир. Шундан-да, тарих саҳифаларида Жамол ибн Бурҳон Самарқандий (XIV аср), Мирхожа Али Самарқандий, Муҳаммад ибн Али ибн мавлоно Хурдак Самарқандий (XV аср) Абдулазиз Самарқандий, Аҳмад ибн Маҳмуд Самарқандий, мавлоно Баҳойи, Мир Абдулло Самарқандий (XVI аср), Дўстмуҳаммад ва унинг ўғли Мирзо Муҳаммад Самарқандий (XVII аср), Муҳаммад Самарқандий (XVII аср) каби моҳир хаттотлар номларининг учраши бежиз эмас.

Бу анъана XIX аср охири ҳамда XX асрнинг бошларида ҳам давом этиб, ушбу гўзал санъатнинг моҳир намояндалари — рангинқалам ва зарринқалам хаттотлар фаолият кўрсатдилар. Булардан Абдужаббор Найман Самарқандий, Абдулқаюм Самарқандий, Мир Абдулҳай Самарқандий, Муҳаммад Нуриддин Самарқандий, Муҳаммад Рофеъ Самарқандий, Мирзо Юсуф Самарқандий; Муҳаммад Ёқуб Самарқандий, Ҳожи Муҳаммад Самарқандийлар турли китобларни, жумладан Абу Ҳанифанинг «Ал-фиқҳ ул-акбар», Бохарзианинг «Рубоиёти шайх ул-олам», Алишер Навойнинг «Чор девон», Хиромийнинг «Чор дарвиш» асарларини кўчириб, авлодларига қолдирдилар.

Шундай бўлса-да бу даврда фаолият кўрсатган икки атоқли моҳир хаттот — бири Мирзо Барот ва иккинчиси Мулло Мирмуҳаммад Зарринқаламнинг бу санъатни янада сайқаллаштиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мирзо Барот Қосим ўғли XIX асрнинг биринчи чорагида Самарқанднинг Маҳдуми Хоразмий гузарида туғилиб, 1888—1889 йилда оламдан кўз юмган. У ўзининг хаттотликдаги маҳорати билан XIX асрнинг иккинчи ярмида катта обрў қозониб, 1886 йилда Тошкентда ўтказилган ҳунармандчилик намойишларида Соҳибқирон Амир Темур мақбарасидаги ёзувларнинг нусхалари, Мирзо Улуғбек мадрасаси тарихининг шакллари билан қатнашиб, олтинчи сазовор бўлган. Шунинг билан бирга ўша замон хаттотлари, жумладан Мулло Мирмуҳаммад Зарринқалам билан ҳам ижодий ва дўстона муносабатда бўлган.

Мулло Мирмуҳаммад 1838 йилда Самарқанд шаҳрининг Ялангбек маҳалласида дунёга келди. Бу маҳалла Қози Ғафур ва Ҳавзибаланд, Мирзо Пўлот ва Фақеҳ Абуллайс маҳаллаларининг оралиғида — ҳозирда Сиёб туманидаги нон заводининг шарқида жойлашган. Мулло Мирмуҳаммаднинг аждодлари ҳунармандлардан бўлиб, асли келиб чиқишлари Панжакт туманининг Киштут қишлоғидан эди. Бу ҳақда Мулло Мирмуҳаммад ўзлари битган лавҳалардан бирида шундай ёзганлар:

Мулло Мирмуҳаммади Самарқанди
В-он бобойи мехчагари Киштути

Мулло Мирмуҳаммад маълумотли ва озода шахс бўлиб, нозик табиат эгаси эди. Мактабда дарс берарди. Мулло Мирмуҳаммад мударрислик қилган мактаб Ялангбек, Қози Ғафур ва Маҳдуми Хоразм маҳаллаларининг орасида жойлашган эди.

Самарқанднинг қанчадан-қанча маърифатпарварлари, адиб ва шоирлари — Абдуқодир Жомеъ, Фахриддин Рожий, Қори Масеҳо Тамҳид, Ҳамроқулбек, Камолхўжа Ҳофиз Набирахўжа Валихўжа ўғли ва бошқалар устод қўлида таълим олиб фахр билан ўзларини домла Мир Зарринқаламнинг шогирдлари ҳисоблашарди.

Мулло Мирмуҳаммад мударрис бўлишлари билан бир қаторда хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаб, бу соҳада мўъжизавий қобилиятга эга бўлганликлари туфайли Зарринқалам хаттот деган шарафли унвонга ҳам сазовор бўлган эдилар. Дарҳақиқат, Мулло Мир Муҳаммаднинг сеҳрли қаламларига мансуб бўлган ва бизгача етиб келган кўпгина руқъалар айтилганларнинг ёрқин шоҳидидирлар. Мулло Мирмуҳаммад Зарринқаламнинг бу ноёб санъатларини давом эттирган шогирдларидан бири Қори Масеҳо Тамҳиддир.

ХХ аср биринчи ярмининг таниқли шоири ҳамда нодир хаттотларидан бири саналмиш Қори Масеҳо Тамҳид (1891—1976) хаттотлик санъатини Мулло Мирмуҳаммад Зарринқаламдан ўрганганлигини қайта-қайта таъкидлар эди. «Устод менга айтардиларки, — деб эслардилар Қори Масеҳо Тамҳид, — хаттотлик мисли хинодир — қўлга қўйилгач бир неча кундан сўнг ўз рангини йўқота боради. Демакки, хаттотлик санъатининг ҳусни-бўёғи доимий машқ қилишдадир, яъни доимо сайқал бериб туриш лозим».

Ҳақиқатан ҳам Қори Масеҳо Тамҳиднинг сақланиб қолган ёзма меросига эътибор берсак, унинг ҳуснихатдан машқ қилган кўпгина ранг-баранг лавҳаларни учратамиз.

Хаттотлик санъати рассомлик, меъморлик, ва умуман табиий гўзалликка мослашув, ҳамоҳанглик, ранг тиниқлиги ва тузилишини кўп жиҳатдан тақозо этади. Мукаммаллик ва гўзаллик инсон эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келган. Инсон ўз нигоҳи билан ундан баҳраманд бўлади. Ҳуснихат ва умуман гўзаллик инсонга қувват бағишлайди, шахснинг нозик табиатига сайқал беради, хурсандлик бағишлайди, инсоннинг меҳнатга иштиёқини оширади. Менинг қўлимга Мирмуҳаммад Зарринқаламнинг қариндош-уруғларидан текан рукча-лавҳалар ҳам шундай ажойибки, улардаги нафақат ҳуснихатнинг жозибаси, балки қоғоз рангининг жилваси ёки суньий фон ҳамда хат (ҳарфлар) рангининг келтирилган шеър маъноси ва мавзуига мутаносиб тарзда танланиши ҳам кишига катта бадиий завқ бағишлайди. Бу лавҳаларнинг аксарияти хаттотнинг фарзандлари — Шамсиябону (1860—1881), Мир Абдувоҳид (1862—1914), Мирзо Абдуқодир (1865—1918), Мунавварабегим (1874—1943) ва набиралари — Мирзо Абдулаҳад, Мирзо Абдулатиф, Муқаддасбону, Мусавварабегим, Музаффариддин, Мушаррафбегим ва Фотимабегимларга бағишлаб ёзилган.

Лавҳаларда фойдаланилган рубоий, байт ва қитъалар ўсиб келаётган авлоднинг таълими ва тарбиясига бағишланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги мумтоз адабиётнинг забардаст вакиллари — Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Хаёлий Бухорий ва бошқаларнинг қаламларига мансубдир.

Мулло Мирмуҳаммад Зарринқаламнинг кумушдан ясалган ниҳоятда гўзал муҳри бор эди. Муҳр ангишвонадек катталикда бўлиб, унда «Мулло Мирмуҳаммад» деб ёзилган. Кўпгина лавҳаларнинг тагида шу муҳр босилганини учратиш мумкин. Лавҳаларнинг андазаси шундай даражадаки, уларни меҳмонхонанинг ҳар бир бурчагидан ўқиш мумкин. Лавҳалар картон қоғозга ёпиштирилган бўлиб, нақшдор қитъани эҳтиёт қилиш мақсадида унинг юзидан яна бир юпқа қоғоз ёпиштирилган.

Бу ерда нақл қилинганларнинг барчасини мен падари бузрукворим муаллим Аҳмад Воҳидий ва бувим Мунаввара отинбибидан эшитганман.

Қори Масеҳо Тамҳид Самарқандий устози мулло Мирмуҳаммаднинг маҳалладоши эди. Тамҳиднинг отаси Мулло Солиҳ Мулло Замонзода маърифатпарвар шахс бўлиб, Мулло Мирмуҳаммад билан яқин дўст, ҳамфикр, суҳбатдош ва маслакдош эдилар. Бинобарин Қори ёшлигиданоқ отаси ва унинг дўстлари — шоир Сипандий Самарқандий, мулло Мирмуҳаммад Зарринқалам, мударрис Абдулвоҳидий Самарқандийлардан дин, тил, адабиёт, тарих ва мантиқ илмларини ўрганди ҳамда хаттотлик ҳунарини ўзлаштирди. Қори Масеҳо Тамҳид таниқли тожик шоири, тилшунос ва адабиётшунос ҳисобланади. Тамҳид ҳақида тўлароқ маълумотни Ш. Воҳидов ва К. Воҳидовлар мураттибликларида 1995 йилда Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан «Тамҳиди Самарқандий» номи билан нашр этилган китобдан олиш мумкин.

Устоз ва шогирд томонидан ёзилган лавҳаларни биз бир муҳвага тўпладик. Лавҳаларда акс эттирилган ҳар бир ўгит ва насиҳатлар ўсиб келаётган янги авлодлар маънавиятини тарбиялашда, бу санъатни давом эттирувчилар ҳамда умуман Самарқанд илм ва санъат аҳлининг тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Хаттотлик санъатининг бу икки машҳур вакили — мулло Мирмуҳаммад Зарринқалам ва Қори Масеҳо Тамҳиднинг мухлислари ва авлодларида агар улар санъатининг бошқа намуналари бўлса, бизга хабар қиладилар деб умид қиламиз. Зеро, биз бу моҳир санъаткорлар қаламига мансуб дурдоналарни янада тўлароқ равишда чоп этиб, халқимизга тортиқ қилиш ниятидамиз.

Шавкат ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор

Осиё — Тинч океани минтақаси ва янги воқелик

Олдинлари қайси бир давлат ёки давлатлар тузилмаси олиб бораётган сиёсатнинг моҳияти ва мақсадини аниқлаш унчалик мураккаб эмас эди. Чунки сайёрамизда кучлар мувозанати иккига тақсимланган бўлиб, улар атрофидаги давлатлар манфаатлари бир-бирига яқин эди. Эндиликда, ер юзида содир бўлаётган бирон воқеага баҳо бериш ёки вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда муайян қийинчиликлар мавжудлиги сир эмас. Албатта, бунинг сабабларидан бири жаҳонда янги сиёсий тизим шаклланиб, дунёда қатор янги марказлар вужудга келаётганлигидадир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган янги китобида ҳозирги жаҳон сиёсий тизими муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида батафсил тўхтаб ўтилган.

Мазкур асарда таъкидлаганидек, ер курраси-нинг бирон-бир жойида содир бўлган нохуш воқеа келажакда, албатта, бошқа бир ерга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун ёш мустақил республикалар XXI аср бўсағасида шаклланаётган янги жаҳон тизимида ўз ўрнини топиши учун ҳозирги кунда сайёранинг бошқа минтақаларида содир бўлаётган сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлган воқеаларни назардан четда қолдирмаслиги лозим. Умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган ана шундай маконлардан бири,бу — Осиё-Тинч океани минтақасидир.

Кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашича, XXI асрга келиб жаҳон бозори айнан мана шу ҳудудда шаклланиши мумкин. Албатта, бу минтақада жойлашган қатор давлатлар — Япония, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур ва бошқа давлатларнинг қўлга киритаётган иқтисодий ютуқларини инобатга олсак, бу фикрга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Гарчи, республикамиз бу минтақа давлатларидан анча олисда бўлса-да, лекин у жойларда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши, мавжуд муаммо ва келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилишидан кўпчилик қатори биз ҳам манфаатдормиз. Чунки бир қатор давлатлар, жумладан, Жанубий Корея, Япония, Малайзия республикамиз иқтисодиётига ўз сармояларини олиб кирмоқдалар ва кундан-кунга иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Аммо ҳозирги кунда бу минтақада вужудга келаётган қатор муаммолар, яъни ҳудудий келишмовчиликлар, буюк давлатчилик шовинизми, наркотик моддалар билан савдо қилиш, қуролланиш пойгаси ва ядро қуролига эга бўлиш истаклари жаҳон ҳамжамиятини хавотирга солмоқда. Ҳудудий келишмовчиликлар борасида мисол тариқасида Жанубий Хитой денгизида жойлашган Спратли архипелаги ороллари устида бўлаётган мунозараларни эслаш мумкин. Бир неча юз оролчалардан иборат бўлган бу ҳудуд, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, нефт заҳираларига жуда бойдир. Ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикаси ушбу ороллар-нинг барчасини ўзига тегишли деб билса, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасига аъзо давлатлар, жумладан, Бруней, Вьетнам, Малайзия, Тайван, Филиппин ҳам мана шу ороллар-нинг баъзиларига эгалик қилиш ҳуқуқлари борлигини билдиришмоқда. Улар ичида Вьетнам Спратли ороллари-дан 21 тасига ўз ҳарбий бўлинмаларини жойлаштирган бўлиб, ҳатто 1988 йили Хитой қуролли кучлари билан ҳарбий тўқнашув ҳам бўлиб ўтган.

Сўнгги йилларда Япония билан Хитой ўртасида мунозараларга сабаб бўлаётган ҳудудлардан яна бири — Дяоюйдао ёки япон тилида Сенкаку оролидир. 1996 йил июл ойида бу оролда Япония томонидан куёш энергиясида ишловчи 5 метрли маёқнинг ўрнатилиши Хитой томонининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Хитой ҳукумати бу оролни қадимдан ўзига тегишли эканлигини таъкидлаб, Японияннинг бу ҳаракати Хитойнинг суверенитети ва ҳудудий бутунлигига тажовуз, деб қарамоқда. Япония эса ушбу оролни ўзининг қонуний ҳуқуқи бўлган шимолий ҳудудлари таркибига киритиш майдон, деб ҳисоблайди.

Сиёсатшуносларнинг кузатишича, минтақанинг баъзи давлатлари йилдан йилга янги замонавий қуроллар сотиб олишга катта аҳамият бермоқда. Уларнинг ядро қуроли ва уни манзилга етказувчи воситаларни ишлаб чиқаришга бўлган ҳаракатлари натижасида минтақадаги кучлар мувозанати бузилиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Шу боис, бу минтақа Хитой, Япония, АҚШ ва Россия каби йирик давлатларнинг манфаатлари тўқнашадиган «майдон» бўлиб қолмоқда.

Хитой Халқ Республикаси аҳолиси сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўриндалиги, иқтисодий кўрсаткичларининг юқорилиги, ядро қуролига эга бўлган давлатлиги ва геостратегик аҳамиятга эга ўрнини ҳисобга олсак, 1997 йил 1 июлдан бошлаб Гонг Конг (Санган) ороли унинг тасарруфига ўтиши оқибатида мамлакат салоҳияти янада ошмоқда. Португалия билан Хитой ўртасидаги ўзаро келишувга асосан Макао (Аомин) 1999 йилда Хитой тасарруфига ўтади. Натижада XX аср охирига келиб «бир давлатда икки тузум» Хитой дипломатиясида эришилган катта ютуқлардан бири бўлади.

Кўп йиллардан бери Тайванга ҳам бирлашишнинг айнан шу шакли таклиф этилмоқда. Лекин ҳозирги кунда Тайван бу таклифни рад этаётир. Хитой ҳукуматининг ҳарбий куч ишлатиши мумкинлигини инобатга олиб, Тайван катта маблағлар эвазига ўз ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, АҚШнинг ушбу оролга 479 миллион АҚШ доллари ҳисобида 21 та замонавий ҳарбий вертолёт етказиб беришга қарор қилганини айтиш мумкин. Тайван АҚШ дан 150 та F — 16 қирувчи самолётлари, 1.299 та «Стингер» русумли енгил зенит ракеталарини сотиб олишга ҳам улгурган. Кўриниб турибдики, Тайван масаласи бу минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида ҳал этилиши керак бўлган асосий муаммолардан биридир.

Баъзи иқтисодчиларнинг таъкидлашича, Хитойнинг иқтисодий ривожланиши шу тарзда давом этаверса, у 2010 йилга келиб, АҚШни ҳам ортда қолдириши ва дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланиши эҳтимолдан холи эмас.

Тасаввур қилиб кўринг, ҳар йили аҳолиси 22 миллион кишига кўпайиб бораётган Хитой ҳозирги кунда 1 миллиард 250 миллион аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаётгани тўғрисида ўйлаган ҳар қандай одам бу мамлакат XXI асрда қандай улкан давлатга айланиши мумкинлиги ҳақида бош қотиради.

Хитой расмий доираларининг фикрича, АҚШ билан Япония ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик Осиё — Тинч океани минтақасида кучлар мувозанатининг бузилишига олиб келиши ва минтақадаги хавфсизликка путур етказиши мумкин. Ҳозирда Япония иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлар қаторига кирса-да, у ҳарбий жиҳатдан АҚШ ҳимоясига муҳтождай туюлади. Шу боис, Япония ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш учун кучли ва замонавий қуроллар билан жиҳозланган армияга эҳтиёж сеза бошлади.

Бунинг бир неча сабаблари бор. Уларнинг бири — бу, қўшни Хитой давлатининг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан қудрати йилдан-йилга ортиб бораётганлигидир. Иккинчидан, Япония ва Хитой муносабатларидаги тарихий омил, яъни ўтмишдаги ҳудудий келишмовчиликлар, учинчидан, Корея ярим оролидаги нотинчлик ва Шимолий Корея ядро қуролини яратиш дастуридан воз кечмаётганлиги шундай сабаблардир.

Маълумки, Шимолий Корея Япония қирғоқларигача етиб борадиган ракетага эга бўлиб, яқинда унинг муваффақиятли синовини ўтказди. Бу эса, Японияга катта хавф туғдириши мумкин. Корея ярим оролидаги нотинчлик ҳозирги кунда ушбу минтақанинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Собиқ империячилик сиёсатининг салбий оқибатлари эндиликда бу ярим оролда яққол кўзга ташланмоқда. Ягона корейс халқининг бир неча йиллар давомида иккига бўлинган ҳолда бир-бирига қарама-қарши мафкуралар тазйиқи остида яшаб келаётганлиги уларнинг бирлашиши йўлида қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Охирги пайтларда икки давлат чегарасида ҳарбий тўқнашувларнинг содир бўлаётгани, Осиё-Тинч океани ҳудудида ядро қуролига эга бўлган янги давлатларнинг вужудга келиши вазиятнинг янада кескинлашишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, Япония атом қуролига эга бўлса, ер шарида АҚШга нисбатан яна бир рақобатчи давлат вужудга келиши мумкин. Чунки Япония ҳозирнинг ўзидаёқ АҚШ билан иқтисодий жиҳатдан рақобатлаша оладиган ягона давлатдир.

Япония келажакда АҚШ билан бўладиган икки томонлама ҳамкорликка совуқчилик тушишини хоҳламаганидек, Вашингтон ҳам бундан манфаатдор эмас. Бунга сабаб, икки давлатнинг иқтисоди бир-бири билан боғлиқлиги бўлса, иккинчидан, Япония ва унинг атрофида АҚШнинг катта имкониятларга эга бўлган ҳарбий базалари ҳам мавжуд. Келажакда Вашингтон Японияндан фойдаланган ҳолда Осиё-Тинч океани минтақасида ўз таъсирини мустаҳкам ушлаб туриши мумкин.

Россия атом энергетикаси мутахассисларининг таъкидлашича, Япония ҳозирнинг ўзида атом бомбасини яратиш имкониятига эгадир. Бу бомбани манзилга етказишда Япония ҳозирда ўзида мавжуд 2 тонна юкни ер шари орбитасига олиб чиқиш қудратига эга бўлган Н—2 ракетасидан фойдаланиши мумкин.

Табиийки, қуролланиш пойгаси ва ядро қуроли хавфи ошаётган ҳозирги даврда инсоният олдида қирғинборот қуроллардан қутулиш муаммоси кундаланг бўлиб турибди. Баъзи давлатларнинг ядро қуролига эга бўлишга интилишларини фақат келажакни кўра билмаслик ва баъзи расмий доиралар томонидан йўл қўйилаётган хатолар оқибати, деб тушуниш мумкин. Агар Осиё-Тинч океани минтақасида Шимолий Корея ўзининг ядро қуролига эга бўлса, албатта, Япония ҳам бу йўлда изланиши табиий. Кейинчалик бу бошқа минтақаларда бундай қуролга эга бўлишга даъвогар давлатлар — Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг қуролланиш пойгасига қўшилишига олиб келади ва бу ўз навбатида дунёдаги кучлар мувозанатини бошқа йўналишга буриб юбориши ҳам мумкин.

Бунга далил сифатида Покистон Бош вазири Навози Шарифнинг Покистоннинг ядро қуролига эга бўлиш имконияти борлиги хусусидаги баёнотини келтириш мумкин. Унинг таъкидлашича, бутун дунёда ядро қуроли синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги халқаро шартнома Ҳиндистон томонидан имзоланмас экан, Покистон ҳам бу шартномага қўшилмайди. Албатта, миллий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Лекин, бизнинг фикримизча, миллий хавфсизликни таъминлашни ядро қуролига эга бўлиш билан тенглаштириш энг катта хатолардан биридир. Чунки ядро қуролига эга бўлиш уни сақлаш масаласида ҳам жуда катта маъсулиятни талаб этади. Кўпчилик сиёсатшуносларнинг фикрича, XX аср террор асри бўлиб, ҳозирги кунда дунёда бир нечта террорчилик гуруҳлари мавжуд. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш йўлида ҳар қандай умумқирғин қуролларидан фойдаланишдан қайтмайдилар. Мисол учун, охирги пайтларда Япония ер ости йўлларида, жамоат жойларида заҳарли зарин газларининг кўпорувчи гуруҳлар томонидан тинч аҳолига нисбатан қўлланишини кўрсатиш мумкин. Ёки бўлмаса, АҚШ марказий разведка бошқармасининг собиқ агенти Петер Прайнинг таъкидлашича, 1995 йил январ ойида ер шарида ядро уруши бошланиб кетишига бир неча сония вақт қолган. Ана шу йили Норвегия ҳукумати коинотни ўрганиш мақсадида, 15 январдан — 10 февралгача илмий текшириш ишларига мўлжалланган ракетани учириши мумкинлиги ҳақида Россия Ташқи ишлар вазирлигига хабар берган. Лекин масъулиятсизлик туфайли бу хабар Россия Мудофаа вазирлигига етказилмаган. Оқибатда бу илмий текшириш ишларига мўлжалланган ракета Россия қуролли кучлари томонидан ядро бомбасини манзилга етказувчи Трайден Д—5 ракетаси, деб қабул қилинган ва Россия томонидан жавоб ҳужумига ўтиш учун фақат бир дақиқа, аниқроги 30 сония вақт қолган.

Сайёрамизда ана шундай тузатиб бўлмас хатоликларга олиб келадиган ҳолатларни такрорламаслик мақсадида, Республикамиз Президенти И.А.Каримов жаҳон ҳамжамиятига Марказий Осиёни «ядросиз ҳудуд» деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус, албатта, кўпчилик давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва бу йўлда биринчи ижобий қадамлар ташланди. Яқинда Республикамиз пойтахти Тошкентда жаҳоннинг қатор нуфузли халқаро ташкилотлари ва давлатлари иштирокида «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтганлиги бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Агар ер шарида ядросиз ҳудудлар сони кўпайса, давлатлар ўртасида бир-бирига бўлган ўзаро ишонч руҳи ортади ва келажакда миллий хавфсизликни таъминлаш учун қирғинборот ядро қуролигиз эҳтиёж қолмайди. Бугун давлатлар ўртасида тинчлик ва осойишталик сари қилинаётган ҳар қандай интилишларни табриклаш ва қўллаб-қувватлаш керак. Шу маънода Осиё-Тинч океани минтақасида тўпланиб қолган қатор масалалар умумжаҳон муаммоси бўлиб, уларнинг қай даражада ҳал этилиши инсониятнинг тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ботир БЕКТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти илмий ходими

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

доимий ҳамроҳ

Маълумки, инсоният тараққиётининг барча босқичларида аҳолини озиқ-овқат ва нос-неъматлар билан таъминлаш асосий масалалардан бўлиб келган. Бу борада ўсимликларни зарар келтирадиган организмлар (ҳар хил зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар)дан оқилона ҳимоя қилиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ер юзида биргина зараркунандалар туфайли ҳар йили 203,7 миллион тонна дон, 228,4 миллион тонна қанд лавлаги, 23,8 миллион тонна картошка, 23,4 миллион тонна сабзавот, 11,3 миллион тонна мева кам олинар экан. Шунингдек, ҳар йили зарарли организмлардан 75 миллиард долларга яқин зарар кўриларкан.

Олимларимизнинг фикрича, Ўзбекистон иқлимининг иссиқлиги, жуғрофий ўрни ва ер-тупроқ шароитининг қулайлиги зарарли организмларнинг кўпайишига имкон туғдиради. Ва бу ўз навбатида маданий экинларнинг кўпроқ зарарланишига сабаб бўлади. Булар барчаси зарарли организмларга қарши ўз вақтида кураш олиб бориш нақадар муҳимлигини кўрсатади.



Ўзбек тилида илк бор ёзилган «Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш» дарслигини нашр эттирган олимлар ушбу қўлланмада аниқ мақсадни кўзда тутганлар. Дарсликнинг бош вазифаси ҳозирги замон пестицидларини тўғри қўллай олиш, уларнинг зарарли организм ва маданий ўсимликларга таъсир этиш механизмларини, пестицидларни самарали ва хавфсиз қўллаш усулларини ўргатишдан иборатдир.

Китобнинг биринчи қисмида ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишнинг назарий асослари баён этилган бўлса, иккинчи қисмида қишлоқ хўжалик соҳасида қўлланиладиган асосий пестицидлар тўғрисида маълумотлар берилган.

«Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш» дарслиги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Х. Х. Кимсанбоевнинг умумий таҳрири остида чоп этилган. «Ўқитувчи» нашриётида 2000 нусхада босмадан чиққан ушбу қўлланма республикамиз қишлоқ хўжалик институтларининг агрономия факултетлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига

УНУТИЛГАН САҲИФА

Бундан етти йил муқаддам Чўлпоннинг жияни, Андижон Тиллар педагогика институти доценти марҳум Ўктам Мирзахўжаев (Аллоҳ раҳмат қилсин) «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1990 йил, 22 июн сонида «Руҳият манзилига етдинг...» сарлавҳали хотирасини эълон қилган эди. Ушбу хотирада Чўлпон ҳаёти ва ижодининг айрим номаълум саҳифаларига ойдинлик киритилганди. Муаллиф яна «Шоир хонадони бисотидан» сарлавҳали иккинчи мақоласини ёзиб, уни ҳам ўша йилларда эълон этган. Ҳар икки мақолада бир муҳим масала ўртага ташланган бўлса-да, на адабиётшунос ва на санъатшунослар унга шу вақтга қадар муносабат билдирмай келмоқдалар. Бу — Чўлпоннинг «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасига алоқадорлиги масаласидир.

«Онамнинг айтишича, — деб ёзган эди Ўктам Мирзахўжаев, — Чўлпон Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида ёзилган саҳна асарига қўшиқлар ёзиб берган экан. Бунинг исботига мисол тариқасида қуйидаги матлали ғазални келтиради:

Сабо, юргил, саломимни
етургил қўйи дилдора,
Паришон хотирамдин
арзаи қил нозанин ёра.

Бундан ташқари, Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» драмасидаги айрим қўшиқлар Чўлпон қаламига мансублиги ҳақида ҳам фикрлар бор. Албатта, масаланинг бу томонлари олимлар диққатини тортса, нур устига нур бўлур эди».

Муаллифнинг онам дегани Фоиқа Сулаймон қизи бўлиб, чўлпоншунослар бу ажойиб инсон туфайли улуғ шоир ҳаёти ва ижодининг кўпгина қоронғи нуқталарини аниқлашга эришганлар. Фоиқа ая акаси туфайли оғир ҳаёт кечирган бўлса-да, қувваи ҳофизасини омон сақлаб қолган, Чўлпон қаламига мансуб кўплаб сатрларни ёддан билган. Аммо Фоиқа аянинг акаси оғзидан эшитган барча сатрларни шоирнинг ижоди маҳсули, деб билиш тўғри бўлмаганидек, Чўлпоннинг ҳам бошқа шоирлар ижоди намуналарини ёдламаган ва синглиси ҳузурида ўқимаган, дейиш хатодир. Шундай ҳол, чунончи, «Онам, сени қутқармоқ учун жонму керакдур?!» сатрлари билан бошланувчи шеъри билан юз берган. Чўлпон уч жилдли «Асарлари»нинг I-жилдини нашрга тайёрлаган Замира Эшонова Фитрат қаламига мансуб ушбу сатрларни Фоиқа ая берган маълумотга таяниб, Чўлпон куллиётига киритиб юборган.

Энди «Сабо юргил...» сўзлари билан бошланувчи ғазалга келсак, у, чиндан ҳам, Хуршид «Танланган асарлари»нинг 1967 йил нашридан ўрин олган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси матнида ҳам мавжуд.

Ўзбек театри тарихидан шу нарса маълумки, Хуршид 1922 йилдан бошлаб Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида мусиқали драмалар яратишга киришган. Бу асарларнинг биринчиси 1923 йили, иккинчиси эса 1924 йили саҳналаштирилган.

Ҳар иккала асарнинг бадиий хусусиятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун санъатшунослик доктори Тошпўлат Турсуновнинг «Октябр инқилоби ва ўзбек театри» (1983) китобига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. «На «Лайли ва Мажнун», на «Фарҳод ва Ширин», — деб ёзган олим, — 20-йиллар танқидчилиги хато ўйлаганидек ва ҳозир ҳам баъзи бир тадқиқотчилар ўйлаётганларидек, классикларнинг том маънодаги инсценировкаси эмас, балки романтик руҳдаги мустақил эртак-пиесалар эди. Табиийки, бу ҳар иккала пиесанинг матни Навоий ва Фузулий достонлари матнига мутлақо мос келмаган. Дарвоқе, бу ҳақда пиеса муаллифи Хуршиднинг ўзи ҳам ёзган. «Фарҳод ва Ширин» пиесасини ёзиш принципларига тушунтиришлар»ида у асар асосига халқ эртагини олганини, бу эртакда Навоий ва Фузулий достонларидаги воқеаларни эслатувчи баъзи бир вазиятлар бўлганини айтган. Асарни ёзишда эса айрим ўринларда Навоийга тақлид қилган».

«Фарҳод ва Ширин» драмасининг биринчи вариантидаги бу нуқсонни Маннон Уйғур каби дастлабки ўзбек режиссёрлари ва драматурглари сезмаган бўлиши мумкин эмас. 1927 йили Москвадаги ўзбек драмстудиясини битириб, Самарқандда илк профессионал ўзбек театрига асос солган Уйғур Алишер Навоий асарларини саҳналаштиришга янги куч билан киришганида, аввало, «Фарҳод ва Ширин»ни қўймоқчи ва бунинг учун шу нуқсонни бартараф этмоқчи бўлган.

«У Алишер Навоийни жондан ортиқ севарди, — деб хотирлайди Ҳалима Носирова «Шарқ узра қуёш» китобида. — У пиесанинг нуқсонларини кўриб, унда ажойиб достоннинг бутун теранлиги ва гўзаллиги мужассам топмаганидан изтироб чекди. Уйғур пиесани бойитиш, унинг доирасини кенгайтириш керак, деган хулосага келди. Аммо қандай қилиб? Изланиш машаққатлари Уйғурни бахтли бир топилмага олиб келди; у постановкага халқ бахшиси — баёнчи ролини киритди ва бу баёнчи ҳар бир кўринишдан олдин Фарҳоднинг пиеса тўқимасига кирмай қолган саргузаштлари ва бошқа воқеалар ҳақида тингловчиларга нақл қилиб берди».

Мумтоз адабиёт намуналарини театр саҳнасига кўчириш, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари достонлари асосида мусиқали драмаларни яратиш учун ўша кезларда на театрларимизда, на драматургларимизда етарли тажриба бўлмаган. Шунинг натижаси ўлароқ Хуршид Навоий достони асосида инсценировка яратишдан кўра шу мавзудаги халқ эртакларидан истифода этишни осон, деб топган. Лекин профессионал ўзбек театри муайян бадиий тажриба ҳосил қилгач, Хуршиднинг бу тажрибаси ибтидоий ва истиқболсиз бўлиб кўринган. Шунинг учун ҳам «Фарҳод ва Ширин»ни қайта саҳналаштирмоқчи бўлганида, Уйғур даставвал драма матнини янгилаш ва асарни замонавий театр эстетикасига яқинлаштиришни ўзига мақсад қилиб олган.

Санъатшунос Тошпўлат Турсунов юқорида зикр этилган китобида «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасининг Уйғур томонидан саҳналаштирган янги вариантига юқори баҳо бериб, бундай ёзади: «Спектаклга бахшилар ва қўғирчоқбозларга хос халқ ижоди усуллари кенг (ва мувафақиятли) киритилди ва улар асарнинг нафақат томошабоплиги, балки жанрий қиёфасини ҳам кучайтиришга ёрдам берди.

Воқеани пешсаҳнанинг сўл ва ўнг томонларида ўрнатилган икки такядаги Баёнчи (Ҳ. Исломов) билан Қўғирчоқбоз (Ҳ. Латипов) бошлаб берганлар. Баёнчи ҳозир Хўтан шаҳзодаси Фарҳод билан Турон маликаси Шириннинг беназир муҳаббати ҳақидаги ривоятни нақл қилишини айтган, Қўғирчоқбоз эса бу ривоятни кўрсатиб борган.

Шундан кейин Баёнчи Хўтан ҳоқонининг севимли фарзанди — яккаю ягона меросхўрига тахтни ва музаффар қўшинини топшириш учун унинг вояга етишини сабрсизлик билан кутаётганини айтган. Копток ўйнаб қайтаётган қувноқ ва хушбичим Фарҳод ўртоқлари ҳамроҳлигида пайдо бўлган. Шу пайт саҳнага чавандозлар санъатига тақлид қилувчи қизиқчиларнинг анъанавий томошалари — «от ўйин»ни эслатувчи сонсиз-саноқсиз отлиқлар чиқиб келганлар. Аммо театр кўҳна муқаллид санъатига мурожаат этар экан, унга ўзга мазмун юклаб, уни ўзгартириб юборган: боши папье-машедан, думи ҳақиқий от сочларидан қилинган, устига эса узун гиламчалар ёпилган отларга ҳоқоннинг музаффар лашкарлари — айни пайтда ҳам лашкар, ҳам отларни ифодаловчи актёрлар ўтирган бўлишади.

Баёнчи ўз сўзларини гапирмайди, балки домбра жўрлигида ҳиргойи қилади. Бу ҳол спектакл асосида Навоийнинг эпик достонлари мотивлари ётган бўлса-да, бу мавзу саҳнада Баёнчи қиссаси тарзида тақдим этилаётганидан дарак бериши лозим эди...».

Шундай қилиб, «Фарҳод ва Ширин»нинг ўзбек саҳнасидаги учинчи талқинида драматург Хуршид матнида бўлмаган Баёнчи ва Қўғирчоқбоз образлари пайдо бўлган. Шу билан бирга асар матнида жиддий ўзгаришлар рўй берган ва унга янги қўшиқ, ария ва дуэтлар киритилган.

Хўш, модомики, Уйғур Хуршид пиесасидан қаноатланмаган экан, уни кимнинг, қайси шоир ва драматургнинг ёрдами билан қайта ишлаши мумкин эди? Бу саволга жавоб бериш мушкул эмас. Уйғур Москвада ҳам, драмстудия қатнашчилари Самарқандга келиб, Ўзбек Давлат драма театрини ташкил этганларида ҳам бу ижодий жамоаларга адабий эмакдошлик қилган Чўлпон сиймосида ўзига ҳаммаслак ижодкорни топган эди. Шунинг учун ҳам «Фарҳод ва Ширин»ни 1929 йили қайта саҳналаштирмоқчи бўлганида, биринчи навбатда шоир ва драматург Чўлпонга таянган. Спектаклнинг юқорида баён қилинган образи тайёр бўлгач, Чўлпон Уйғур тасаввуридаги асарга зарур ария ва дуэтларни, шу жумладан, «Сабо, юргил...» сўзлари билан бошланувчи ғазални ҳам ёзиб берган.

«Ўзбек театридан материаллар» қўлёзма тўпламдан ўрин олган Хуршиднинг хотираларида бизни қизиқтирган масала бўйича бундай сўзлар бор: «1929 йилдан 1936 йилга қадар менинг мусиқали драмам (сўз «Фарҳод ва Ширин») тўғрисида бормоқда — Н. К.) Ўзбекистон театрларида менинг рухсатимсиз Чўлпоннинг қайта ишловида қўйилди, дарвоқе, артистлар эмас, қўғирчоқлар ўйнашди...». Мазкур сўзлар билан Т.Турсуновнинг шарҳи ўртасида муайян фарқлар борлиги сезилиб турибди. Хуршиднинг қуйидаги сўзларидаги бир-бирига зид фикрлар ҳам, афтидан, таржима жараёнида содир бўлган кўринади: «1927 йили — деб ҳикоя қилган эди у, — Карл Маркс труппасининг директори Қосимхўжаев, орадан беш йил ўтгач (сўз асарнинг 1923 йилдаги постановкаси устида бормоқда — Н. К.), менинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмамни Чўлпонга берган. Чўлпон «Фарҳод ва Ширин» музикали драмамни, унинг топшириғига кўра, менинг рухсатимсиз музикали комедияга айлантирган, аммо мени пиесанинг муаллифи қилиб қолдирган. Бу вариант менда ҳамон сақланмоқда. 1936 йилга қадар бу вариант барча вилоят театрларида қўйилган. Чўлпон сўнгги кўринишларга бир неча ариялар қўшган... Агар, — деб давом этган у яна, — Фарҳод ва Ширининг лирик ҳистуйғулари мазах қилинмаганида (?), биринчи картина ғоят ажойиб чиққан бўларди, негаки, Чўлпоннинг биринчи картинага қўшган ариялари узукка кўз қўйгандек бўлган...».

Хуршиднинг бу сўзларида Чўлпон қўшган ариялар гоҳ биринчи, гоҳ сўнгги кўринишга оид деб айтилса-да, аслида Чўлпон «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасининг қарийб барча кўринишларига янги ариялар ёзиб берган ва бу ариялар асарни чиндан ҳам безаган.

Шундай қилиб, Ўктам Мирзахўжаевнинг зикр этилган мақолаларида тилга олинган қуйидаги ғазал, аниқроғи, дуэт матни Чўлпон ижодининг маҳсули бўлиб чиқади:

Фарҳод

Сабо, этгил саломимни,
етургил кўйи дилдора,
Паришан хотиримдин
арзаи қил нозанин ёра.

Баён этгил юзини ёди
била қилган фиғонимни,
Этар шояд келиб бу
Кўҳкан ҳолига наззора.

Нигорим лаб очиб
сендан
агар аслим савол
этса,
Хўтандандир мусофир
севги саҳросида овора.

Шопур

Эмин юртида Фарҳод
исми, бунда Кўҳкан ўлмиш,
Матон ҳусн олмоққа
келибдур ушбу бозора.

Фарҳод

Менга учмоқ кўринмиш
шавқи бирла бу жафо
тоғи,
Нигорим шарбати васли-
да, во, мен ташна бечора.

Ушбу дуэтнинг дастлабки сўзлари Фоиқа аянинг хотирасида «Сабо, юргил...» шаклида сақланган бўлса, Хуршид «Танланган асарлар»ида «Сабо, этгил...» тарзида берилган. Эҳтимол, бу сўзлар Чўлпон вариантида «Сабо, эсгил...» шаклида бўлгандир.

Шубҳасиз, Хуршиднинг мавжуд шеърлари ва музикали драмалари матнини ўрганиш натижасида унинг услуби, поэтик фикрлаш тарзи ва луғати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш ҳамда Чўлпон қаламидан чиққан сатрларни аниқлаш имконияти туғилади. Лекин ҳозирнинг ўзида ҳам баъзи бир ария, дуэт, ҳатто триолардан ўлмас шоирнинг овози эшитилаётгандек туюлмоқда. Камина ушбу билан Хуршид ижодининг гултожларидан бири бўлмиш «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидаги энг яхши қўшиқларини Чўлпон ёзган, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Менинг биргина ниятим — Ўктам Мирзахўжаев хотирасида баён этилган фикрнинг асоссиз эмаслигини айтиш, мазкур музикали драманинг ижодий тақдирида Чўлпон қўшган ҳиссани эслатиш, «Фарҳод ва Ширин» музикали драмаси тарихининг унутилган саҳифасини тиклашдир, холос.

Наим КАРИМОВ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

ЁМБИЛАР БОРУ АММО...

«Албатта, олтиннинг зарраси ҳам олтин. Аммо унинг ёмбиси бўлакча тарзда кишиларнинг диққатини жалб қилади. Шу сиғгари йирик асарлар ҳам ўз даврию кулгуси замонларда ҳам алоҳида эътибор топади. Дейлик, Назар Эшонқул «Шамолни тутиб бўлмайди» ҳикояси даражасида(?!) роман яратса, у албатта адабиёт тарихида ёмби бўлиб қолади».

Абдулла Улуғовнинг «Ёмби борми?» сарлавҳали мақоласидан («ЎзАС», 1997 йил, 15 август) олинган бу парчадаги фикр умуман тўғри. Лекин ҳикоя даражасида роман яратиш деган даъват негадир менга сингишмади. Чунки барибир олтиннинг зарраси ҳам олтин, деган фикр қанчалик ҳақиқатни англатмасин, пировардида ёмбининг ўрнини боса олмайди. Бу — бир. Иккинчидан, қадр-қиммат, салмоқ жиҳатидан қараганда ҳам уларни тенглаштириш, бараварлаштириш анча номувофиқликни келтириб чиқаради. Айниқса, тилло заррасини ҳам, ёмбисини ҳам сўз санъатига қиёслаш ўзини фақат бир жиҳатдан оқлаши мумкин: олтиннинг ўзи, зарраси, ёмбиси ҳар қандай замонда ҳамиша ўз салмоғи, қадр-қимматини сақлаб қолганидек, бадиий ижоднинг улуғвор меваси асрлар давомида инсон учун маънавий-руҳий озуқа вазифасини ўтайверади. Лекин бу борада муҳим бир фарқ мавжуд: гап шундаки, тиллонинг заррасини ҳам, ёмбисини ҳам қўлга олиб кўриш, томоша қилиш мумкин. Юксак, нодиру ноёб санъат асарларини-чи? Уларнинг фақат ташқи «либоси»ни, шаклини кўриш имкони бўлади-ю, асл моҳиятини қалбдан ҳис этиб, онг кўзгуси орқали биллиш, англаш мумкиндир, холос. Бошқача айтсак, ўша асарларга истеъдодларнинг ўзлиятини кўрсатган ижобий-бадиий шартнода туғилган етук асарлар ҳам буюк ижодкорлар ҳамда даҳлдор-ку! Яратилганини инкор қилган партия, уларнинг сардорлари сўз санъатини сиёсий қуролга айлантириб, уни ғоявий мазмунга тўлдирди. Ва қарийб етмиш беш йил мобайнида сўз санъати оммавийлаштирилиб, ижтимоий ҳодисага айлантирилгани хусусида мустақиллик даврида жуда кўп гаплар айтилди. Бироқ сўз санъатининг сеҳру жозибасини таъминлайдиган илоҳий мазмун тўғрисида етарли даражада мулоҳаза юритмаяпмиз. Йўқ, илоҳий мазмун деганда нуқул диний қонун-қоидалар, ақидалар назарда тутилмаяпти. Илоҳийлик — бу инсон ҳоҳиши, истаги, ихтиёрига эмас, фақат Аллоҳ амрига бўйсунишни билдиради-ки, мазкур вазият ҳаётнинг барча тармоқлари, айниқса, бадиий ижодда, санъатда муҳим аҳамият касб этиши истиқлолга эришиб, Худо қудратига тан бера бошлаганимиздан кейин янада яққолроқ сезилаяпти.

Ҳа, сезилаяпти ва шунга кўра ҳар қандай тараққиётни, хусусан, адабий-бадиий ижод равнақини таъминлаш учун сўздаги эмас, амалдаги ҳурлик нону ҳаводек зарурлиги ҳақида кўп гапираяпмиз. Аммо гапимизнинг рўёбга чиқарилишига мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш борасидаги ижобий ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бермоқда. Чамаси, сўз санъати ривожини таъминловчи асосий куч—истеъдодлар фаолият кўрсатадиган жараён собиқ совет замонидагидек ҳар хил жарангдор даъватлар, чақириқлар, «юқори»дан келган буйруқлар, кўрсатмалар, қарорларга мувофиқ ижобий томонга ўзгармаслигини етарли даражада уқиб ололмаётганга ўхшаймиз. Адабий жараёнда Истиқлол берган имкониятлардан етарли фойдаланилмаётгани сабабли ёмбилар — етук романлар яратилмаяпти, шунинг учун сўз санъатида оламшумул ғалабаларга эришилмаяпти, деган нолишлар фақат юқорида тилга олинган мақоладагинамас, бошқа манбаларда ҳам намоён бўлмоқда.

ЖАРАЁН

Эътироф этиш зарурки, бундай нолишларда жон бор, лекин бадиий ижодда ўсиш-ўзгариш йўқ, дейиш асоссиздир. Буни яхши ҳис қилган Абдулла Улуғов истиқлолу ҳурлик амалда тантана қилиши учун кураш руҳига йўғрилган Назар Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», Шодиқул Ҳамронинг «Қора кун» қиссаси, шунингдек, Омон Мухтор романларини тилга олади. Лекин буларнинг қайси бири ёмби даражасига кўтарилгани хусусида тўхталиб, фикрини ўша асарлардан олинган лоақал аниқ мисол билан далиллашдан негадир ўзини тияди.

Айтмоқчиманки, салмоқли ва анъанавий тасвир услубига, умуман олганда, зид бўлмаган, айни чоғда янгича шаклу мазмун касб этган мазкур асарлар ҳали ўқувчиларимиз орасида ҳам машҳур бўлмаса-да, келажакда ўз мавқеини мустаҳкамлаши шубҳасиздир.

Хайриятки, бунга ишонч туғдирадиган омиллар мавжуд. Омон Мухтор Абдулла Орипов тенгдоши, улар деярли бир пайтда шеъриятга кириб келди, лекин 60-70-йиллардаги шеъриятимизда рўй берган жуда катта ўзгариш биринчи навбатда Абдулла Орипов номи билан боғлиқ. Табиийки, бу ўзгариш туб моҳияти билан соцреализмга зид бўлгани сабабли тазйиқларга дуч келди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина тўла эътироф этилди. Аслида ўша ўзгариш замини Чўлпон томонидан тайёрланган, коммунистик эўравонликка қарамасдан шеърият Чўлпон, наср эса Қодирий ижодлари билан юксак равнақка эришгани яқиндагина чоп этилган Баҳром Рўзимуҳаммаднинг «Чўлпон — тонг юлдузи демак» номли рисоласида жуда яхши очиб берганини мамнуният билан таъкиддаш жоиздир. Айни чоқда у таъкидлаган инқилобий ўзгариш фақат шеъриятимиздагина эмас, балки насримизда ҳам бир неча истеъдодли ёзувчилар номларига боғлиқ ҳолда давом этаётганини қўшимча қилишга етарли асос бор, деб ўйлайман. Тўғри, бундай ўзгаришлар меваларини «ҳазм» қилувчи, улардан тўла баҳра олувчи ўқувчилар ҳам, адабиётшунослар ҳам кўп, деб бўлмайди. Уларнинг кўпайиши учун бир-бирига қарама-қарши хилма-хил нуқтаи назарларни диққат марказига чиқариш, ҳалол, ҳаққоний, ҳар жиҳатдан далилланган қизғин баҳслар авж олдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Обуна-97

«ЁШЛИК» — ҲАМРОҲИНГИЗ

«Ёшлик» журнали Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, маданият ва адабиётимиз юксалишида, мана, ўн йилдан ошдики, фаол, баракали хизмат кўрсатиб келаётир. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу нашр шу йиллар мобайнида ёшларимизнинг доимий ҳамроҳига айланди. Адабий жараёндаги янгиликлар, ёшлар ижодининг энг эътиборли намуналари билан биз «Ёшлик» орқали танишиб борамиз. Журналнинг жорий йилда босмадан чиққан сонларида эълон қилинган роман ва қиссалар, достон ва туркум шеърлар, жаҳон адабиёти хазинасидан танлаб таржима қилинган нодир асарлар ушбу нашр мундарижасининг сермазмун ҳамда хилма-хиллигини таъминлади.

Хўш, келгуси йили «Ёшлик» ўз мухлисларини нималар билан қувонтиради? Биз қайси ижодкорларнинг янги асарларини бу журналда ўқиймиз?.. Ана шундай саволлар билан мухбиримиз «Ёшлик»нинг бош муҳаррири Собир ЎНАРОВГА мурожаат қилди.

— Республикамизнинг ижтимоий, маданий ҳаётида ўз ўрнини топиб улгирган, ўзининг мазмун-мундарижасини тайин қилиб олган, кўп минг сонли мухлислари, анъаналарига эга бўлган ҳар қандай нашр, табиийки, ўзининг бош вазифасини келажаги буюк мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида кўради. Шубҳасиз, ўтаётган 1997 йил бизнинг таҳририятимиз фаолиятида ҳам самарали кечди, дея оламиз. Дарҳақиқат, доимий обуначиларимиз ҳамда журналимизни севиб харид қиладиган ўқувчиларимизга ўтган йилда ваъда қилинган янги асарларни сонма-сон етказиб бердик. Режалаштирилган барча асарлар «Ёшлик»да эълон қилинаётир. Истиқлол ғояларига садоқатли, ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек эзгу ниятлар йўлида муносиб фаолият кўрсатиш келгуси йилги режаларимизнинг асосий йўналиши қилиб олинди.

Биз журналда юзага келган ўз анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда, юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган иқтидорли ёшларни кашф қилишни давом эттирамиз. Бугунги ёшлар ҳаёти, уларни ташвишлантираётган муаммолар, ҳуқуқий тарбия масалалари журнал саҳифаларидан муҳим ўрин олишига ҳаракат қилмоқчимиз. Шунингдек, келгуси йили «Ёшлик»да сиз бебаҳо меросимиз, боқий қадриятларимиз тўғрисида, жаҳон халқлари адабиётида воқеа бўлган асарлар билан танишасиз. Рангли суратлардаги чиқишларимиз ўқувчиларни довруғ қозонган машҳур санъаткорлар ижоди ва ҳаёти билан таништириб боради.

Албатта, журнал мундарижасида бугунги ўзбек адабий ҳаёти янгиликлари асосий ўринни эгаллайди. Айни пайтда таниқли ижодкорларимизнинг турли жанрларда битилган сара асарлари қўлимизда турибди. Келгуси йили журналхонларга тақдим этилиши мўлжалланган асарлар орасида атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг «Болалик кечмишим» хотира-қиссаси, таниқли ёзувчи ва шоирларимиз Шукур Холмирзаевнинг «Динозавр» романи (иккинчи китоби), Абдулла Ориповнинг Пайғамбаримиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи достони, Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» номли романи, Ғаффор Ҳотамовнинг «Чиноргa айланган одам» туркум ҳикоялари, Икром Отамуродниг «Историм» достони ва яна бошқа бир қанча янги асарлар бор. Адабий ҳаётдан ўз вақтида хабардор бўлиб боришни, янги асарларни канда қилмай ўқишни истаган ҳар бир мухлисга «Ёшлик» бир олам завқ-шавқ, ўй-фикр, ҳаяжон ва севинч ваъда қилади!

Таҳририятга келаётган хат-хабарлардаги таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб, келгуси йилда публицистикага кенгроқ ўрин ажратишни, «Ижтимоий онг. Дунёқараш. Ёшлар», «Кўнгил дафтари», «Қалб манзаралари», «Мувозанат» каби рукнларда бериб бориладиган мақолаларга талабни бир қадар кучайтирмоқчимиз. Сермазмун илмий-оммабоп, маърифий мазмундаги мақолаларга кейинги пайтларда қизиқиш ортиб бораётгани — публицистиканинг жамиятимиз ҳаёти, кишилар онгига бевосита таъсири кучайгани бу жабҳани ҳам жиддий кўтаришни тақозо этаётир.

Йил сайин, иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, «Ёшлик» журналининг мухлислари сони ошиб бораётгани бизни ҳам қувонтираётир, ҳам масъулият билан меҳнат қилишга ундаётир.

Айни кунларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси муассислигидаги «Ёшлик» журналига 1998 йил учун обуна давом этаётир. Муштарийларга журналнинг сотувга, айниқса вилоятларда, жуда кам миқдорда чиқарилишини билдириб, «Ёшлик»ка ўз вақтида обуна бўлиб қўйинг, деймиз.

Обуна нархи қиммат эмас:
БИР СОНГА — 100 СЎМ. БИР ЙИЛГА — 600 СЎМ.
ШОШИНГ! «ЁШЛИК» — СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ!
БИЗНИНГ ИНДЕКС — 822

Танқидни танқид

ТААССУРОТ ЭМАС, ТАҲЛИЛ ЗАРУР

Ҳозирги адабий танқидчиликнинг фаолияти бадиий адабиёт қонун-қоидаларидан хабардор, адабий жараённи изчил кузатиб келаётган китобхонни қониқтирмайди. Тўғри, айни пайтда ижодкорларнинг, мунаққидларнинг чиқишларида 70-80-йилларда авж олган «Ҳаққоний курашчан образларни кўплаб яратиш»га, «маънавий қашшоқликка ўт очиш»га, «ижтимоий иллатларни аёвсиз фош этиш»га тинимсиз даъват учрамайди ёки нари борганда, бу каби чақириқлар эндиликда ўша даврдагидай эътиборни тортмайди. Нега? Чунки адабиёт ҳақида тасаввур ўзгараётган, танқидчилик олдида янги талаб ва вазифалар кўндаланг бўлиб турган бир пайтда мунаққидларнинг ҳануз социал проблемалар даракчиси сифатида фикр юритишлари фаол ўқувчида қизиқиш уйғотиши қийин. «Шахсга сиғиниш даври иллатларини очиб ташлаш», «турғунлик замонида йўл қўйилган нуқсонларни фош этиш», «қайта қуришга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш...» Яқин ўтмишда танқидчилик томонидан юклатилган бу каби ижтимоий мажбуриятлар бадиий ижод олдига, таъбир жоиз бўлса, сатира театрининг вазифасини қўйди.

Бугунги кунда адабий танқидчиликнинг фаолият доираси ҳам хийла чегаралланган. «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик» каби журналларда адабий-танқидий чиқишлар, тақризлар деярли кўринмай кетди. Фақат «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида танқид ва адабиётшуносликка доир мақолалар мунтазам эълон қилиб келинаётир. Ҳафталик газетадаги бир саҳифа ҳажмида бериладиган материалларда бутун республика адабий ҳаётидаги янгиликларни, боз устига, адабий меросга доир масалаларни, янги чоп этилаётган китобларга бағишланган фикр-мулоҳазаларни, хуллас, илмий-ижодий жараённи қамраб олиб бўлмайди. Янги чиқа бошлаган «Жаҳон адабиёти» журнали, «Ёзувчи» газеталари адабий танқидчилик имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Республикамиздаги айрим нашрлар эса мунтазам бўлмаса-да, ўрни билан адабий-танқидий мақолаларга жой ажратаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Миллий тикланиш» газетасининг адабиёт тарихига, атоқли адибларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган эътиборли чиқишлари таҳсинга лойиқ. Бу ўринда мен Ғарб санъатидаги айрим фалсафий-эстетик оқимлар тўғрисидаги (В. Алимасовнинг «Сюрреализм — зўрреализмми?» каби) мақолаларни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Тағин «Давлат ва бошқарув» журналининг яқинда босмадан чиққан сонида адабиётшунос А. Эркиновнинг герменевтикага доир мақоласи ҳам адабиётчиларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Бироқ айрим ҳолларда муайян асарни баҳолашда эстетик таҳлилга суянмасдан, шу асарни ўқиш жараёнида туғилган дастлабки юзаки таассуротни баён этиш билан чегараланган танқидий чиқишлар ҳам учраб турибди. Хусусан, «Миллий тикланиш» газетасининг шу йилги 37-сонида эълон қилинган Х. Норбойнинг «Дунё ҳамиша бир бутун» сарлавҳали мақоласида шундай ҳолни кузатиш мумкин. Муаллиф ёшлар қиссачилиги ҳақида сўз юритиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини асослаш учун ишончли далиллар келтириб, фикрини исботлаш ўрнига нуқул ҳис-ҳаяжони, таассуротини баён этади. Масалан, ўзига маъқул бўлган Наби Жалолиддиннинг «Йиғи» номли қиссаси ҳақида гапираркан, мақола муаллифи «унинг ғалати қаҳрамонига нисбатан қалбимизнинг тубтубида бир тола нур сингари илиқликни, меҳрни туямиз», «ажиб ҳайратга тушамиз», «сирлашгимиз... гаплашгимиз келади», «хотиралар гирдобига ғарқ бўлдик» каби хусусий таъсир ва кечинмаларини асарнинг ижобий жиҳатларига далил сифатида келтиради. Худди шундай мутолаа жараёнида туғилган таассуротлар баёнини Х. Норбойнинг мақоласида танқид қилинган Абдуқаюм Йўлдошнинг «Катта ўйин» қиссасига муносабатда ҳам кузатамиз. Мақола муаллифи бу қиссада бирор-бир ижобий фазилатни учратмаганини бир абзацда қатъий қилиб айтгач, қиссанинг тили ҳам «пароканда» деган хулосани баён этади ва бунга қиссадан олинган ушбу гапни ягона далил сифатида келтиради: «Баайни сўқиш чоғида шавқат ҳамширалари дахлсиз қолганидай, энди Нуримбой мулла ҳам уруш-жанжалларга мутлақо аралашмайдиган, илгари бундай жойлардан қочиб қутиладиган бўлса, энди бир чеккада сиртига сув юқтирмай тасбеҳ ўгирганча, кўзларини юмиб олиб, недир бир нималарни пичирлаб ўқиб туравердиган беўхшов одат чиқарди». Бу гапни «чалачулпа боғланган жумла» дейиш, назаримда, гапнинг моҳиятига, ундаги ёзувчининг қаҳрамони характерида юз берган ўзгаришга билдираётган муносабатига; қолаверса, гапдаги ўринли ўхшатишлар, яъни айни «проза тили бўла оладиган» образлиликка эътиборсизлик ёки тушуниб етмаганлик оқибатидир.

Албатта, бу қиссаларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳали илмий-эстетик таҳлилга асосланилган фикрлар айтилади. Мен эса юқоридаги мақолада каби муайян асарга муносабат билдирилганда таъриф ҳам, танқид ҳам юзаки таассуротлар баёнига айланиб қолмаслиги лозим, деб ўйлайман.

Алишер АҲМЕДОВ

Янги нашр

«ГУЛШАН»

Бугунги кунда янгидан-янги нашрларнинг юзага келаётгани ўқувчиларни ажаблантирмайди. Турли-туманлигига қарамай ҳар бир янги газета ёки журнал мустақил юртимиз фуқароларининг маънавий камолотига, маданий савияси ўсиши, илм-маърифатдан кенгроқ баҳраманд бўлишларига хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мустақиллигимизга олти йил тўлган кунларда Самарқандда «Гулшан» номли янги газетанинг нашр этилиши ва сони босилди. «Гулшан» — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоятлараро тарғибот марказининг нашри.

Янги нашрни қутлаб, эзгу тилакларини билдирган таниқли олим Ботирхон Валихўжаев, шоирлар Рауф Парфи, Жамол Сирожиддин ва бошқалар «Гулшан» халқимизни улуғлайдиган, миллатимизнинг буюк ўтмишини жаҳонга танитиш йўлида хизмат қиладиган газета бўлади, деб умид билдирганлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жамоаси ҳам адабиётимиз тарғиботида «Гулшан»га фаоллик ва холислик тилайди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ЮРАГИМДА ОСМОН БОТАДИ



Сокин жавзо...
Дарё... боғ ичра,
Қизлар отди кўйлакларини.
Қурмағурлар ўйнатди бунча
Оҳ, жодугар билакларини.

Кейин... бирдан нурлар ўйнади,
Афсунгарлар оппоқ тўшида.
Кўзим қурғур, кўзим қувнади
Айриламан эсу ҳушимдан.

Сув юзида тилларанг осмон —
Чайқалади муҳаббат рамзи.
Соҳил узра энг гўзал достон —
Бошланади парилар базми.

Ойй, юрагим жим оқар дарё,
Юрагимда осмон ботади.
Олмалигин сезмасдан гўё,
Олма қизлар олма отади.

Кўнглим, ёнгил, олмадай тўкил,
Жоним, чида, тиладим тўзим.
Юрак энди дарёга чўккил,
Кўзим қилди, барини кўзим.

УРУШ МАНЗАРАСИ

Қўйгин, бунча қийнама дунё,
Ваҳмим ични кемирган нола...
Ёвмас ўзни ўлдирдим гўё,
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Анов томнинг қизғолдоғи ҳур,
Қирларига куй бўлар лола...
Ҳукминг шудир:
«От, битталаб қир!!»
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Айт, қон тўксам кўнглинг тўларми,
Тўкиладир дилимдан жола...
Ўлдирганлар шоир бўларми,
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Кеча хушрўй, чиройли эдим...
Бугун бошда киров... оқ тола...
Қўшиқ оққан кўнглимни едим,
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Жон ўрнида титрайди сабрим,
Тўйиб кетдим:
«Ўлдир, қир,.. тала...»
Энди нега ярарди умрим
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Тингла, шаҳд-ла туриб куйладим,
Қиёматлар қўпган эй, дала..
Қўшиқ тинчлик дея ўйладим
Мен бир чумчуқ отмаган бола.

Оҳ... Нима бу??
Тилкалади ўқ...
Осмон мени бағрингга ол-а!..

Пичирлайман...
хира тортар кўк:
«... Мен бир чумчуқ отмаган бола».

ШОИР ҲАҚИДА ҒАМГИН ШЕЪР

Йўқ,
бу уйни ҳасрат уйғотди,
Қайғу базм қурди бу ерда.
Икки қутб бунда тиғ тортди —
Бир — бирини ўлдирди зумда.
Ишонмади эрига аёл,
Тушунмади эркак додига.
Ғолиб келиб нафсли бир хаёл.
Аёл тушмас шубҳа отидан.
Авжга минди қарғиш бозори,
Номус ўлди,
сўзлар озорли.
Эр андиша кутди... Шўрликдан
ношуд аёл ғурур излади.
Аёл «КЕТ!!» деб йиғлади узоқ —
Ҳар ким чидар бошда борига.
Эр жонига тушаркан титроқ
Сингир эди ернинг қаърига.
Қарсиллади — нимадир синди,
Эр муштлади бахтсиз бошини.
Ғам силқиган кўнгилдан энди,
Термоқ оғир лаънат тошини.
Заққум ҳаёт ўйинлари мўл,
Узилганди меҳр иплари.
Гул юзларга кўтарилди қўл,
Шайтон зафар майин ҳуплади.
Энг ёмони...
шоир эди эр,
Дили осмон,
Қўли эса ер,
Элдан узиб бойлик топмади —
Суянгани муҳаббату шеър.
Кетмай деса оёғи оғрир,
Кетай деса оғрир юраги.
Остонада икки қизил гул —
Жавдирайди,
икки қароғи.
У сўнгги бор излайди тоқат,
О, тақдирнинг кўпдир заволи.
Икки дунё қилмагай шафқат —
Икки гулнинг тутар уволи.
Йўқ, барибир ғурур майли ҳур,
Эр эгилса тутар охирот
Муҳаббатнинг кўзларими кўр,
Муҳаббатнинг йўли хотирот...
Шоир қарғар;
бошда минг хаёл
мусибатлар оққан кечани:
«Не бўлса ҳам шаҳарда аёл
кўрмаслиги керак кўчани...»
Қаҳратонни куйдирар ҳасрат,
Ана шоир кетиб борар жим.
Кўргилигин кўп этди қисмат.
Қорми, надир ёғади сокин...
Илкис ортга қарар у ўйчан.
Хароба уй...
Ва қоп-қора йўл.
Аллақачон чироқлар ўчган,
Кимдир ухлар...
Ухлар икки Гул.

ФАРЗАНДЛАРИМГА

От бўлиб учсам бир кун,
Осмонни кучсам бир кун,
Булутлардай сузаман,
Шамоллардан ўзаман,
Гулдан бўлар охурим...
Кел, деб йиғлайсизми, Сиз —
Севинчим, Жавоҳирим?!

Ойни олиб келаман,
Юлдуз олиб келаман.
Тунлар тушларингизга
Кундуз олиб келаман.
Кетсам тутаб охирим
Йиғлатмайсизми Мени,
Севинчим, Жавоҳирим?!

Равшан ФАЙЗИЙ қаерда?
Тилак ЖЎРА билади.
Чори АВАЗ қаерда?
Шавкат РАҲМОН билади.
Сўрасангиз гар мени
Қай бир чақмоқ шоирдан,
Аён бўлса зоҳирим
Кўргингиз келадими,
Севинчим Жавоҳирим?!

Чўлу адир, ўримда —
Сурхон деган еримда.
Ётса танам... беармон
Шеър ўқирдим гўримда.
Нурга тўлса соҳирим
Мени эшитасизми,
Севинчим, Жавоҳирим?!

Ер устими, ер ости —
Ҳамма жойда бор дўстим.
Оллоҳ Сизни асрасин,
Дуога банддир дастим.
Мендан ўзиб моҳирим,
Бир кун шод этасизми.
Севинчим, Жавоҳирим?!

Баҳром АЛИ

ОЛАМ ОҚИБ БОРАР ТИНЧ

Мана сезаяпман оғриқларини,
Чумоли санчгандай юрагимда дард.
Онам... Билолмайман соғлиқларини,
Ҳатто қилолмайман бир рўмолча хард.

Одамлар йиғламас, одамлар кулар,
Сочинга жамалак қўшиб ўр майли.
Улар пандавақи, шалтақи улар,
Товоним михларда, ҳеч ким кўрмайди.

* * *

Чигирткалар чирқиллар,
Ой осмонда оқ танга.
Кўксидан сут ичирар,
Шохдор сигир оламга.

Юлдузлар баҳс бойлашар,
Қулоғин тутар терак.
Қурвақалар бошлашар,
Узундан-узун эртак.

Кўк юзига боқар қиз,
Ойга тўлиб кўзлари.
Кўкдан учди бир юлдуз,
Юрагимда бўзлари.

«Севдим» дединг қўшилди,
Юрагимга топин йўл.
Жоним, айтчи қўшиқми,
Умр узоқми ёки йўл?!

Тун синади, тонг отар,
Мен-чи, ухлай олмайман.
Сирғанг кўксимга ботар,
Сени уйғатолмайман.

Қора сочинг сирғалиб,
Буйнимдан қучоқлайди.
Шамолларга суяниб
Толлар ҳорғин куйлайди.

Чироқлар борар ўчиб
Олам оқиб борар тинч.
Тангрим, айтчи йўл, қўшиқ,
Умр узоқми ё соғинч?!

* * *

Яна қишнинг қорли кунлари —
Юзларини босдим бағримга.
У севгимдан мағрур гуллади,
Мен йиғладим, она, сабримга.

Тўзиб учди қушлар ҳар ёққа,
Қушга азал тақдир қисматдир.
Сўзларим кўп сизга айтмоққа,
Тополмайман йўқ бир фурсатдир.

Ё унутган, ёки чиндан ҳам,
Хаёлимга келмаган ҳамки.
Шеърларимни бурда-бурдалаб,
Она, уйга қайтарман балки.

Балки ҳануз ўйларман умрим —
Кетгунича бу чанги уммон.
Ҳамма бир ён, мен тескари юрдим,
Келаман ҳақ: қайтаман гумон.

Йўллар чопиб умрим улгурар,
Йилларга ҳам етар бардоши.
Ана томда отам қор курар,
Елкасида жануб қуёши.

Мен маҳкумман, дардимга ўзим
Сатрлардан излайман малҳам.
Бу дунёда кимдандир ўздим,
Кимдан ортда қолмоқдаман ҳам.

Бир армон бор дилимда бўзлар,
Усмон, Чўлпон тикканлар кўзни.
Бир Ватан бор тилимда сўзлар
Юрагимга Ўзбекистонни!

ЭСЛАШ

Опам Санобарга

Ёмғирлар ёғади. Баҳор. Бу пайтда
Ётади тоғларни туманлар босиб.
Гўё ҳозир бобом кўчадан қайта,
Айвонга чекмонин кетгандай осиб.

Бу — ўтмиш, туш эмас, эмас бу хаёл,
Бошингни силаган — у меҳрибон қўл.
Опа, тур, ушлаб кўр, қўлларингга ол,
Айвонда бобомнинг чекмонлари ҳўл.

Бу чекмон қатағон йиллардан қолган,
Бобомни сақлаган, қишлардан қолган.
Бобомнинг йўлларда армони қолган,
Ўзлари қолмаган, чекмони қолган.

Ана, бир силкинди олманинг шохи,
Боғларнинг этаги гулга тўлди дув.
Умрнинг бир ипи узилди чоғи,
Кўл бўлди тарновдан ҳовлидаги сув.

Эсимда жонланар қайта ва қайта:
Иссиқ печка ёнар, ўй сурар момом.
Ёмғирлар ёғади. Баҳор. Бу пайтда,
Чекмони ҳўл бўлиб юрибди бобом.

* * *

Осмонда парча булут,
Аксин ерда судрайди.
Дала четида бир тут,
Саратонда мудрайди.

Куёш, қочган соялар,
Даралар маст уйқуда.
Бургут учган қоялар —
Хаёл сурган маъбуда.

Сой оқади яланғоч,
Оппоқ тўлқин кўкраги.
Кўзларингни олиб қоч,
Кундан ёруғ кўйлаги.

ҲОЛАТ

Ҳолат ўзгарувчан, ҳолат ўзувчан,
Ҳар хил ўрайдиган сочларинг улар.
Ҳатто танимасдан қоламан баъзан,
Ким кимдан қочади, ким кимни қувлар.

Санайман адашар ҳафталар, кунлар,
Йўлларда паришон термилиб турдим.
Товоним туфлимнинг михлари юлар,
Юз йил уни сезмай мен кийиб юрдим.

XX аср жаҳон адабиёти

Чингиз АЙТМАТОВ

Ўтлар қушлари ноласи

Ривоят

... Този деганингиз жуда аломат ит-да! Овулдан отлиқлар бир тўп бўлиб йўлга чиқди дегунча, ҳозиру нозир. Тўс-тўполонда эргашиб олганини сезмай ҳам қоласиз, энди уни ҳайдаб, орқасига қайтариб бўпсиз, дўқ-пўписаларингиз бир пул — барибир кетмайди, гўё ҳайиққандек, четга чиқиб, лўкиллаб кетаверади. Рости ҳам тозилар ғалати махлуқ — уларга дала-дашт бўлса, шовқин-сурон бўлса, одам гавжум бўлса, бас, шундай пайтларни кутгани-кутган, эҳтимол шунинг учун ҳам този, шунинг учун ҳам овчи ит дейилса керак...

Эломон итининг кетидан қувиб Кўлгача чопиб борди. У дафн маросимида сўйиш учун мўлжалланган икки яшар новвосни бойлаб беришда хотин-халаж, қари-қартанг билан бирга кетаётган акаси Турманга қарашиб юрганида този ити Учар оломонга илашиб, азза-базза сафарга отланиб қолибди: қувончи ичига сиғмай у ёқдан-бу ёққа чопади, ҳали бўни, ҳали уни ҳидлаб-ҳидлаб қўяди, бўталар атрофида сакраб-сакраб, гоҳо бир зум тўхтаб, ҳуриб ҳам қўяди, одамларни сафарга тезлайди. Эломон итини отини айтиб ҳам, авраб-алдаб ҳам қанча чақирмасин, бари бефойда кетди. Одамларнинг овга эмас, балки таъзияга — кеннойиси Олмошнинг қўшни қишлоқда тўсатдан вафот этиб қолган ўн етти ёшли синглисининг жанозасига бораётганларини ақлсиз ит қаёқдан билсин, дейсиз; буни бияларга, ҳўкизларга миниб олганлар орасида чопқир отли биронта ҳам ёш йигит йўқлигидан билиб олса ҳам бўларди. Иссиққўл атрофларини макон тутган барча эркаклар, жамъики энг яхши отлар, қурол кўтаришга қуби етадиган қирғизман деган йигит борки, бариси, ўша куни узоқда, тоғларнинг нариги томонида, бу ердан уч кунлик йўл бўлган Толчуй водийсида босқинчи жунғор лашкарлари билан жон бериб-жон олиб жанг қилаётганига този итнинг ақли етармиди! Мана, беш кундирки, Толчуй водийсидан ҳеч бир хабар йўқ. Аҳмоқ ит, саранг ит — бутун бир халқнинг тақдири не кечгани номаълум бўлиб турган бир пайтда қандай одам ов ҳақида ўйлай оларди?

Аслини олганда, одамларнинг ғам-ташвишлари ит учун бир пул, уруш, айрилиқ, ўлим, умуман инсон боласининг ғурбатлари билан итнинг нима иши бор; қани эди, унинг олдидан лип этиб қўнми, тулкими чиқа қолса-ю, тўзғитиб қува кетса, бундай онларда отлиқлар ҳам тозидан қолишмайди — жонини жабборга топшириб, ўлганига қарамай ўлжа кетидан от солишади...

Този тоқати тоқ бўлганидан ўхтин-ўхтин ғингшиб-ғингшиб қўяр, гоҳо ҳамманинг олдига ўтиб, қисқа-қисқа ҳурар, сакраб-сакраб одамларни гир айланар, «бунчалик имилламасаларинг» дегандек, шошилишга ундар, «тезроқ юрсаларинг-чи», деган даъвати шундай кўзидан, бутун борлиғидан кўриниб турарди. Лекин сира Эломонга тутқич бермасди. Итга қўйиб берса, қани эди, суворийлар Учар кетидан отларини чоптирсалар, узангиларида тик туриб қий-чув солсалар, ёв кетидан қувгандагидек шовқин-сурон кўтарсалару бутун борлиқ ов завқ-шавқи билан яшаса. Този ҳаммани ана шундай ов нашъасини суришга чорларди...

Э-воҳ! Одамлар овга эмас, жанозага келтиришаётганди. Чолу кампирлар ғам-аламдан бошларини ҳам қилиб, жигарлари Сенгирбойнинг келини Олмошнинг бошига тушган қулфатга шерик бўлиб, қондошлик бурчларини ўташ учун кетишаётган эди. Шу боис қора този ит Учарга ҳеч ким эътибор бермасди. Шум хабар уруғдошлар учун энг оғир ва хатарли бир пайтда етиб келди. Улар бундан, бор-йўғи олти ой бурун Сенгирбойлар оиласига келин бўлиб тушган Олмошнинг ҳурмати деб эмас, — ахир, у ким бўлибди, — балки Олмошнинг эри, ҳозир Толчуй водийсида улкан қиргин-барот жангда қатнашаётган Қўйчиманнинг ҳурмати, энг муҳими, ушоқ қашшоқ бўзуйлар уруғининг фахри, буюк ўтовсоз уста Сенгирбойнинг ҳурмати учун тишларини-тишларига қўйиб чидаётган эдилар бу оворагарчиликларга. Сенгирбой бобо эса, мана, уч кун бўлибдики, туролмасдан ётибди — чолни кўпдан бери юраги безовта қиларди, қудалар тарафидан келган совуқ хабар устани йиқитди — Сенгирбойлар келинининг бир қориндан талашиб тушган синглиси — ўн етти яшар Улқан дунёдан кўз юмибди. Ўтовсоз уста қудаларнинг ҳурмати ва уруғдошларнинг удуми, деб бўйга етган қиз боланинг дафн маросимида иштирок этиш учун шошапиша пустинини кийди, ўсмир ўғилларидан Турман билан Эломон чолнинг икки қўлтиғидан ушлаб ҳовлида эгарлоғлиқ турган отга томон юришаётган эди, Сенгирбой бобо ўтов бусағасидан ўтиши биланоқ юрагини чангаллаб қолди, оёғини узангига солишга ҳам улгура олмади. Оғриқдан инграб, отнинг ёлига ёпишганича, оёқда базўр туриб йиқилгудек чайқалди.

Шунда урф-одатга кўра, бутун ишларни хотини Кертўлга - заифа ўз қўлига олди. Кампир лозим бўлса, ҳамма ишни жойига қўяди. Кертўлга-заифа чолини ўғиллари ёрдамида уйга олиб кирди, ечинтириди, тезгина ўринга ётқизди ва ўтовсозга деди:

— Уста, қудаларникига жанозага бора олмасангиз, Худо кўриб турибди, ўзи кечиради. Бу ишни менга топширинг. Сиздан кейин бу уйнинг кайвониси мен энди, вақти келар, бўзуй уруғимизнинг улуғ онаси ҳам мен бўларман. Мотамда йиғлаш учун бўзуйликларга мен бош бўлиб борсам, қудалар хафа бўлишмас. Ҳозир хафа бўлишнинг мавриди эмас — Толчуй водийсида нималар юз бераётганини ҳеч ким билмайди: ўғилларимиз галаба билан қайтишадими ёки қирилиб кетишадими, худо билади. Ҳозирча ҳеч хабар йўқ — ҳамма юрагини ҳовучлаб турибди. Сиз худодан тани соғлиқ сўранг, жанг қилаётганларга омад тиланг! Ўзингизни эҳтиётланг, сиз бўзуйликларнинг бошчисисиз, менинг учун эса, уч боламнинг отаси, энг улуғ одамсиз. Мана шу мусибатли хизматни адо этишни менга ишонинг, Ўрнингиздан турманг, ётинг. Эломон сизга қараб туради, биз ҳаммамиз йўлга отланамиз.

Шундай гап-сўз бўлиб ўтди. Бу гаплардан кейин рангида ранг қолмаган, юзини тер босган ўтовсоз уста Сенгирбой бошини ёстиқдан кўтармасдан, эшитилар-эшитилмас деди:

— Сен ҳақсан, кампир. Мен боролмагач, сен боришинг керак. Сен бўзуйликларнинг барини эргаштириб бор. Келинимиз Олмош қариндошуруғлари орасида ёлғизланиб қолмасин. Узоқдан йиғи беринглар, ҳамма эшитсин, барча бўзуйликлар йиғлаганини халқ билсин, овозларингни баланд кўтариб гиря қилингларки, қудаларимиз қуёвлари Қўйчиман билан ўлим тўшагида ётган катта қуда — менинг йўқлигимни сезишмасин. Билиб қўйинглар: ҳаммамиз инсон эканмиз, уруш қанча даҳшатли бўлмасин, ўлганларни ҳурмат-иззат билан дафн этишни унутмаслигимиз керак...

Шу равишда, ушоқ бўзуй уруғидан бўлган болали аёллар, чол-кампирлар йўлга чиқишди, уларнинг бутун қалби жунгор ўйротлари билан бўлаётган жанг нима билан тугаркан, деб безовта эди. Ҳамма ўша томонда, Толчуй водийсида нималар содир бўлаётгани ҳақида ўйларди: нега, ҳеч хабар йўқ? Нега, ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди? Уруғнинг, халқнинг ор-номусини сақлаб қолиш учун қиргин-баротга юз тутиб кетишган йигитлар. Улар кўнгиллари ғаш, зўр хавотирда жўнаб кетишган.

Учарни тутиб, бўйнига камарини солиш Эломон учун осон бўлмади — тозининг одамларга қўшилиб кетиб қолиши ҳеч гап эмас эди-да! Шунда ҳам Учар бўйнидаги боғичи билан олга интилар, бўшаб кетишга urinарди. Лекин итни қўйиб юбориш мумкин эмас — ёт жойларда тозини овул итлари ғаласи ғажиб ташлаган бўларди. Албатта, шундай бўларди.

Эломон Учарни бўйнидан ушлаб турар экан, нима дейишини билмай туриб қолди. Жанозага кетаётганларга «Яхши бориб келинглар» дейишмайди-ку! Онаси от устида жиловни тортиб турар экан, ўғлига қараб:

— Нега серрайиб туриб қолдинг? Тезроқ уйга борсанг-чи! — деди қовоғини солиб. — Отангга қара, эшитаяпсанми? Олдидан бир қадам ҳам нари кетма, укдингми?

Элонмон «тушундим» дегандек бош ирғади. Онасининг айтганларини ҳаммасини қилади. Эломон онасига, унинг буғдойранг, ажинлар билан қопланган ғамгин қаримсиқ юзига боқар экан, кампирнинг ҳозиргидай ташвиш тортганини ҳеч эслай олмади. Эломон онасига қараб деди: «Кўргуликларимиз бор экан, энди сиз кетаверинг. Биз учун ғам еманг, мен энди ёш бола эмасманку! Ҳамма тайинлаганларингизни қиламан, отамдан бир қадам ҳам нари жилмайман. Фақат Қўйчиман акам от устида узангисига оёқ тираб омон келса, бас, жасадини эгарга ўнгариб кетишмаса, бўлгани. Илойим, барча йигитлар от устида ўзлари тик ўтириб келишсин, эгарга бўктарги юк қилиб кўндаланг ётқизиб келгилик этмасин! Отам билан мен ҳақимда ғам еманг. Сизнинг буюрганларингизнинг ҳаммасини қиламан».

Кертўлга-заифа тизгинни тортиб турган ҳолда қора този ити билан ёлғизоёқ йўлда қолган кенжатойига кўз қирини солар экан, тўсатдан юрагида оғриқ пайдо бўлди, хаёлидан шундай ўйлар кечди: бу ҳали бола-ку, отаси нима бўларкан, акаси Қўйчиман саломатмикан ёки ўйротларнинг найзасидан ер тишлаб қолдимикан? Эртага чолимнинг, ўғилларимнинг ҳоли не кечар экан, барча-барчасининг, бутун халқнинг бошига қандай кунлар тушаркан?

Ана шу даҳшатли ўй-хаёлларини билдириб қўймаслик учун бойвучча ғулдиради:

— Ўғлим, овулга чоп, сени ва отангни Тангрига топширдим. — Сал юргач, яна тўхтади: — Боришинг билан отангга ҳалиги ўтдан дамлама қилиб ичир...

— Хўп бўлади, дарров дамлама қилиб бераман, — деб онасига ваъда берди.

Кампирнинг бу гапларга кўнгли тўлмади, шекилли, дорини тайёрлаш йўлларини тушунтира бошлади:

— Ўтнинг устига шақирлаб турган қайноқ сув қуйиб, дамлаб қўясан, сал совигандан кейин отангга берасан, тер келгунча ичсин, шундан кейин кўкраги бўшаб, енгил тортиб қолади.

— Менинг гапларимни уқдингми, тушундингми? — деб қайта-қайта сўради ўғлидан Кертўлга-заифа.

Айтганларининг ҳаммасига ўғлининг тушуниб олганига ишонч ҳосил қилгач, бойвучча бошқалар кетидан отига қамчи босиб, кўл бўйлаб кетди. Лекин орадан сал ўтмасдан уёқ-буёққа аланг-жаланг қарар экан, яна тўхтади-да, отдан тушди:

— Эломон, буёққа кел, болам, — деб ўғлини чақирди. — Отни ушлаб тур, мен Кўлга бир сигиниб олай. Кетдик.

Кампир шундай деди-да, кўлга юзини бурди ва шошилмасдан сувга қараб салобат билан тантанавор қадам ташлади. Қаттиқ шамоллар турганда тўлқин-тўлқин бўлиб ўюлиб қолган топ-тоза қизғиш майда қум устидан юрди. Бошига сурпдан саллага ўхшатиб томоғигача қаттиқ ўраб олган оппоқ қордай катта элачакдан бойвуччанинг фақат юзи кўринарди; элачакда кампир бироз яшаргандек туюлса-да, чеккасидан оқ сочлари кўриниб турарди. Бойвучча қариса ҳам жисмонан ҳали бақувват, ҳатто хушбичим эди. Олмошни келин қилиб туширгунгача бутун тирикчиликни ўзи қилар эди-да — тўртта эркак: уч ўғил билан эрига қарашнинг ўзи бўлмайди, уй ишларида эса, эркакларнинг фойдасидан зарари кўпроқ.

Кўл ёқасидаги қум устида оҳиста оёқ босар экан, Кертўлга-заифа дунё ва оила ташвишларини бир зум унутгандек, фикрини жамлаб, кўлга қараб юрди-да, қандайдир ҳаяжон ва руҳий кўтаринкилик билан ўйноқи мовий сув юзига, узоқ-узоқларда бўзариб турган қорли чўққиларга, тоғ тепаларидаги хира булутларга назар ташлади. Буларнинг ҳаммаси одам учун макон қилиб яратилган зоҳирий бир кенг дунё, илоҳ каби қудратли, унинг ердаги тимсоли каби ҳаётбахш дунё эдики, бани башар ана шу дунё измида бўлиб келган.

Кертўлга-заифа кўпириб келиб-кўпириб қайтиб турадиган қирғоқ тўлқини етар-етмас жойда майда шағаллар устида тўхтади. Эломон ҳам бир қўли билан отни етаклаб, иккинчисида тозисини ушлаб шу ерга келди. Она чўкка тушиб ўтирди, ўғли ҳам чўккалади; шундан кейин кампир секин ва оҳиста пичирлаб Кўлга ёлвора бошлади:

— Эй, Иссиққўл, сен Ернинг кўзисан, сен ҳар доим осмонга боқиб турасан. Мен сенга илтижо қиламан, сен — мангу, музламайдиган Иссиқкўлсан, мен Кўкка, ҳокими тақдир бўлмиш Тангрига муножот қиламан, Тангри сенинг қаърингга назар ташлаганда менинг ўтинчларимни билиб олажак.

Эй Тангри, хатарли ва даҳшатли дамларда ўйротларга қарши курашда бизга куч-қудрат бер. Тоғларингда сенинг неъматларингдан татиб, яйлов-ўтлоқларингда чорва молларини боқиб кун кўрадиган олти аймоқли қиргиз халқимизни ўзинг асра. Бизнинг ўчоқларимизнинг ўйрот отлари тўёқлари остида топталишига йўл қўйма. Одил бўл — аёвсиз очиқ жангда бизга ғалабангни дариг тутма. Ҳув, анави тоғлар ортида, Толчуй водийсида нималар бўлаётганини билмаймиз. Ҳа бир хабар бор, на бир чопар бор жанг майдонидан — кутавериб кўзларимиз тешилди, юракларимиз адойи тамом бўлди. Нималар бўлаяпти? Бизларни эртага нималар кутаяпти? Тангрим, душман билан аёвсиз жанг қилиш учун кетган йигитларнинг жонларини омон сақла. Бизларга уларни эгар устида кўришни насиб эт, жасадларини туяларда ортиб келгулик қила кўрма, илойим.

Менинг ибодатимни эшит, мен уч ўғилнинг онасиман...

Эломон ҳам чўкка тушиб, бир қўли билан тозиси Учарнинг бўйнидаги камардан, иккинчи қўли билан эса ёлдор жийрон биянинг тизгинидан тутиб турарди. Ў кўл юзасининг нафас олгандек бир пасайиб, бир кўтарилиб турган қорамтир сағрисига ҳаҳмият берди. Кўл ҳозир сокин эди, сув юзаси майда тўлқинлар ёлқинида жилоланиб ётарди. Узоқ чўзилган қишнинг адоғида, баҳор бошларида Иссиққўл соҳили овлоқ қолгандек, ўтўлансиз эди — тўқайлар шип-шийдам, қуруқ хасчўплар файзсиз; на бир ўтов бор, ҳар бир отлиқ, на кўч-кўрон, на-да, мол подалари...

Бироқ Иссиққўл бўйида қишлаб қолган ўтар қушлар баҳор ҳидидан янги ўлкаларга йўл олиш пайти яқинлашиб қолганини сезиб, кўл устида тўп-тўп бўлиб уча бошлайдилар, улкан галаларга уюшган қушлар эса тоғ этаклари бўйлаб парвоз қилиб, тез учиш машқини оладилар. Қаёққа қараманг, қушларнинг шодон қичқириқлари ва овозлари ёғдули баҳор ҳавосида узоқ-узоқларга таралади.

Мана, яқингинада бир қизилоёқли, кулранг ғозлар ғаласи шиддат билан учиб ўтгани кўзга чалинди. Ғозлар бебош шовқин кўтариб, овозларининг борича ғақиллаб шундай паст учиб ўтдиларки, қанот патларининг шовуллагани ҳам эшитилиб турди. Эломон кўл устида учиб юрган бир неча гала ўтар қушларни кўрди. Булар ғозларми, ўрдакларми, оққушларми ёки узуноёқ очпушти қизилғозларми — бола фарқлай олмасди. Чунки бу қушлар жуда узоқда ва баландда тўп-тўп бўлиб учиб ўтарди. Фақат уларнинг чуғур-чуғури баъзан аниқ эшитилса, баъзида элас-элас қулоққа чалинарди. «Демак, бу қушлар эртами-индин учиб кетади», деб ўйлаб қолди бола.

Онаси эса, дилидаги бутун дардини айтиб, жон-жаҳди ва эҳтирос билан Кўк — Тангрига тавалло қиларди. У эри — буюк ўтовсоз Сенгирбойга раҳм-шафқат этишини сўради, ахир устанинг дарди тобора кучайиб бораётир, ҳатто бугун отга ҳам мина олмади.

— Тангрим, отамиз, қўли гул устанинг жонини омон сақла, — деди у. — Бизнинг диёримизда ўтовсоз Сенгирбойнинг қўли билан ясалмаган биронта ўтовни топиш амри маҳол. Унинг ўз умрида қанча ўтов ясаганини ҳеч ким билмайди! Ахир, ҳеч ким бошпанасиз яшай олмайди — ёш ҳам, қари ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам, қўйчивон ҳам, бия соғувчи ҳам!

У яна Тангридан неваралар сўради, яна қанчадан-қанча илтижолар қилди... Ахир, одамнинг орзу-ҳаваси, дарду алами кам дейсизми бу дунёда...

Қордан чойшаб ёпинган қояли тоғлар орасида осмонга кўз қадаган буюк кўк кўл суви тиним билмас, жонли махлуқдай тўлганар, ўз-ўзидан пайдо бўлиб, яна йўқоладиган улкан эринчоқ тўлқинларни бағрида эркалар эди. Оби омбор кечаси бўрон кўтариш учун уммон янглиг керишиб куч йиғаётгандек эди. Ҳозирча эса, шаффоф кўл устида, унинг баҳор қуёшини эмган зилол сувлари тепасида дунё бўйлаб янги узоқ ва хатарли сафарга отланадиган пайт яқинлашаётганини сезган ўтар қушлар ҳамон юксакликда чаппор урар, ҳамон жўровоз бўлиб, жар солиб осмонни бошига кўтарарди.

Она бўлса ҳамон астойдил, бутун борлиги билан муножот қиларди:

— Тангрим, эшит, ўзимнинг оқ она сутим ҳурмати-ла, ёлвориб ўтинаман! Сенга, буюк ҳокими тақдирга — Кўк Тангрига илтижо қилиш учун биз бу ерга, сенинг Ердаги кўзингга — муқаддас Иссиққўлингга келдик. Мана мен, менинг ёнимда ўғлим Эломон — менинг кенжатойим, энди мен на яхши, на ёмон фарзанд туға оламан, фақат сендан сўраганим шуки, менинг эркатойимга отаси Сенгирбойнинг усталигини бер, ўзининг усталикка эби ҳам бор... Кенжатойим акаси Қўйчиманга ўхшаб — «Манас» айтмоқчи. Бу илтижомни ҳам ижобат қил, энг аввало ва энг муҳими, унга Азалий сўзнинг қудратини ато эт — ўша Сўз илдиз отгандек жон ва тан билан чирмашиб кетсин, у Сўзни — аждодлардан авлодларга ўтадиган, ўз болалари ва неваралари учун қоладиган Сўзни асраб-авайласин, аждодлар қиргиз номини олган даврдан етиб келган Сўзни ўзида жо қила оладигани куч-қудрат бер унга...

Мен уч ўғилнинг онасиман, Тангрим, менинг илтижоларимни қабул қилгайсан. Одам билан доимо ёнма-ён яшайдиган тилсиз махлуқлар — ўғлимнинг ўнг тарафида турган ва манаман деган йиртқичи қувиб етадиган бизнинг този итимиз Учар ҳам, ўғлимнинг чап тарафида турган, бирон марта қисир қолмаган жийрон бия ҳам бизлар билан бирга ўтиниб сўрайди Сендан...

Давоми олтинчи бетда

ТЎЙ МУБОРАК, ЁШУЛЛИ!

Эрта тонгда Тошкент—Урганч йўналишидаги самолётдан тушар эканман, кўнглимни ҳаяжон боса бошлади. Зеро, таъмирчи-меъмор сифатида 1980 йилдан бери Хоразм меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш ишлари билан бевосита шуғулланиб келаётганим учун бу диёр иккинчи Ватанимдек бўлиб қолган. Шу ернинг ўзидаёқ қадим Хоразм юрти катта тўй тантаналарига тайёргарлик кўраётгани сезилиб турибди.

Эндигина таъмирлаб, кенгайтирилиб, транспорт қатновини йўлга қўйиш ишлари олиб борилаётган Урганч марказидан ўтиб, Хива билан боғловчи кенг, равон кўчага тушиб олдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш ҳақида»ги қарори эълон қилинганда Маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгорликлари Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси тизимидаги Хоразм Махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси (ҳозир очиқ турдаги «ХОЁТ» ҳиссадорлик жамияти), Ўзбектаъмиршунослик» илмий-текшириш ва лойиҳалаш институти ва «Қадрият» илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш давлат корхонаси масъул иш бажарувчилар этиб тайинландилар. Ишлар икки босқичда: 1996—1997 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда олиб бориладиган бўлди. Демак, ҳозир биринчи босқич якунланиш арафасида турибди.

Гандимиён қишлоғига бурилишдан ўтгандан сўнг «Ичон қалъа»га йўл олдик.

Маҳобатли қалъа деворларига туташ Ота дарвоза (XIX асрнинг боши) орқали Ичон-қалъа ҳудудига қадам босиб киришимиз билан кўз ўнгимизда эндигина таъмирдан чиққан Кўҳна Арк саройи деворлари ва Калта Минор билан Муҳаммад Аминхон мадрасасининг (1851—55 й. й.) улуғвор қиёфаси намоён бўлди. Яқингача Калта Минорнинг энг юқори белбоғ-ҳошиясидаги арабий битикларнинг деярли ҳаммаси атайлаб уриб туширилгандек бўш, фақат ўрни сақланиб қолган эди. «Узбектаъмиршунослик» институти, «Ичон-қалъа» музей-қўриқхонаси ва Шарқшунослик институти ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан машҳур тарихчи, шоир Огаҳийнинг тарихий асарларидан ушбу бинонинг қурилиши ва тугалланишига оид бағишлов матни билан сақланиб қолган ҳошияга ўралган байтни ва бўш ўринларни солиштириб кўрганларида, китобдаги бағишлов матни минорада икки жуфт байт қисқартирилиб қайтарилганлиги маълум бўлди. Хаттотлик усулининг тадбиғи ва бўш ўринларга айнан шу ҳуснихат билан ёзувларни жойлаштириш, асл катталигида ахта чизмаларини тайёрлаш, сирли кошинларга кўчириб хумдонда пишириб жойига ўрнатилгунча бўлган машаққатли меҳнат фақат ижрочилару Аллоҳга маълум. Бу ўринда лойиҳа-чи-ю, кошинпазга тасаннолар айтиш жоиз. Муҳаммад Аминхон мадрасасининг ташқи ва ҳовли тарзларидаги майолика қопламалари, ҳовли саҳни, йўлакларнинг ички ганчкор нақшлари тўлиқ таъмирдан сўнг янада кўркам ва жозибали бўлган.

Кўҳна Арк саройи олдидаги майдон. Арк дарвозаси қаршисида виқор тўкиб турган Муҳаммад Раҳимхон соний (Феруз, 1871 й.) мадрасасида 1995 йилги таъмирдан сўнг, Хоразм адабиёт музейи ташкил



этилган эди. Ҳозирги кунда бу маданият маскани сайёҳлар ва ташрифчиларни қадимги Хоразм мумтоз адабиёти, шоирлар, ноширлар ижоди билан таништириб келмоқда.

Кўҳна Арк. Хива хонларининг дастлабки қароргоҳи. Гарчанд саройнинг кириш қисмидаги бинолар бузилиб кетган бўлса ҳам, мавжуд «Кўринишхона», «Ёзги масжид ёки Зарбхона», «Ҳарам» ва Оқ Шайх бобо (Оқших бобо) қўрғони (айнан унинг пойдевори ва изора қисмларида антик даврга мансуб йирик шаклдаги тамғали чорси хом ғиштлардан тикланган девор қолдиқлари, шарқий томонидаги қудуқ ва бошқа археологик топилмалар асосида Хиванинг 2500 йиллик ёши аниқланган) ушбу улкан иншоотнинг қандай бўлганидан далолат беради.

Айланма зиналар орқали Оқ шайх бобо қўрғонининг энг юқорисидаги айвонга чиққан одамга бутун Ичон-қалъа, Дишон-қалъа ҳудуди намоён бўлади. Ичон-қалъани тасма каби ўраб турган қалъа девори, жанубда Тош дарвоза, Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуи, Ислом хўжа мадраса ва минораси, қатор қорихоналар, бир-бирига уланиб кетган улли айвонли уйлар, Муҳаммад Аминхон ва Матниёз девонбеги мадрасалари; шарқда аввал Муҳаммад Раҳимхон, Маҳаммад Араб шоҳ, Жума масжиди минораси билан, Қутлуғ Мурод иноқ, Тош Ҳовли саройи, Оллоҳқулихон мадрасаси, Карвон-саройи ва Тими, ундан нарида Полвон дарвоза, Саид Шоликорбой масжид-мадрасасининг минораси, Полвон Қори мадрасасининг минораси ва уфққа туташиб кетган уйлар, жанубда Кўҳна Аркнинг «Ҳарам» қисми, бир-биридан муажжиз уйлар, Муса Тўра, Амир Тўра мадрасалари, Боғча дарвоза, ундан анча йироқда Саид маҳрумжон мажмуаси; ғарбда Бекажон Бека мадрасаси, Шоҳ Қаландар бобо мақбараси, кўм-кўк дарахтлар орасидаги турар-жойларнинг ичида жойлашган Нуриллабой саройи, Дишон-қалъа девори қолдиқлари ва бошқалар.

Кўҳна Аркнинг «Ёзги масжид»и айвонидаги ҳовазаларда «Қадрият» корхонасининг мусаввир-таъмирчи усталари айвон шипи ва деворларидаги нақшларни таъмирлаб тугатиш арафасида, «ХОЁТ» ҳиссадорлик жамиятининг усталари эса, гулдасталардаги майолика қопламларини тиклаш ва ҳовли саҳни, йўлакларидаги ғишт қопламалар таъмирини тугатмоқдалар.

Тош билан бостирилган равон йўл «ёғоч ўймакорлик санъати музейи», деб ном олган Жума масжидига олиб келди. Бу обида энг қадимги ёдгорликлардан бўлиб, у 218 дона ўйма устунга ўрнатилган (майдони 2500 м²) том билан ёпилган. XI-XII, XIII-XIV асрларга тааллуқли ўйма устунлар юксак ўймакорлик намуналардан ҳисобланади, айниқса, таъмирдан сўнг устунлар янада жозибадор ва мафтункор, масжид саҳни оҳактош (известняк) билан қоплангач шинам бўлган. Юбилей тантаналари кунлари бу ерда илмий-амалий анжуман ўтказиш режалаштирилган. Шу мақсадда бино электр ёритгичлар ва бошқа замонавий анжомлар билан жиҳозланган.

Паҳлавон Маҳмуд мажмуида ҳам таъмирлаш-тиклаш ишлари тугаш арафасида. Бош пештоқ кошинпаз усталар тайёрлаган сирланган майолика қопламалар ўрнатилгандан сўнг ниҳоятда кўркам бўлган.

Хонақоҳ, зиёратхона, қабрхонанинг ички қисмларидаги нафис нақшли майолика қопламларини таъмирлаш ишларини «Қадрият» корхонаси Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги Б. Болтаев бошчилигидаги мусаввир-таъмирчи усталари олиб бормоқдалар. Ўйма нақшинкор эшиклар, устунлар тозаланиб, таъмирланди, ҳовли саҳни ободонлаштирилгандан сўнг зиёратгоҳ кўркам ва тароватли бўлган.

Ободонлаштирилган кўча бўйлаб Ислом хўжа мадрасаси ва минораси, Абдуллахон мадрасаси ёнидан ўтиб Ичон-қалъанинг шарқий дарвозаси — Полвон дарвоза олдидаги майдончага кириб боришингиз билан афсонавий эртак-филмлардагидек савдо расталари, шинам айвонли Оқ масжид, нуроний Хўжамберди бой мадрасаси, адл қоматли, ҳашаматли Оллоҳқулихон мадрасаси, Тими, Карвон-саройи, бир-биридан ажойиб гулдастали, кунгурадор деворли Тош-ҳовли саройи намоён бўлади. Оллоҳқулихоннинг бош пештоқи ва ён қанотларида таъмирлаш ишлари якунланган. Тош-ҳовлининг «Ҳарам» ҳовлиси майолика қопламлари таъмиридан сўнг гилам қопланган девордек ёрқин ислимий ва ҳандисавий нақшлар билан қопланган. Қатор айвонларнинг шипларидаги нақшинкор безаклар, уймакор устунлар тозаланиб, таъмирланган. Ҳовли саҳнидаги ғишт қопламалар тузатилиб, ораста ҳолга келтирилган. Қолган «Кўринишхона», «Арзхона»ларда ҳам ишлар қизғин. Ғиштин деворларни тиклаш, сувоқларни текислаш, янгилаш тугатилаяпти.

Оллоҳқулихоннинг Тими ва Карвон-саройида таъмирчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тимнинг сатҳи мармар тошлар билан қопланган, деворлари пардоз ғишт билан текис қилиб урилган. Карвон-саройнинг тепаси ёпилган метал фермаларни бўяш, деразаларнинг ойналарини янгилаш, тозалаш билан бандлар. Шаҳарнинг қолган обидалари Нуриллабой, Қибла Тоза боғ саройи ҳам бирин-кетин таъмирланиб, ободонлаштирилган. Қўли гул таъмирчи усталар, ғишт терувчилар, дуродгор-пардозловчилар, иш бошқарувчилар ва барчаларининг қадоқ қўлларини маҳкам қисиб, раҳмат сизларга, ҳормангилар дегим келади.

Энг асосийси барча ерда кўтаринки руҳ, катта байрам тараддуди сезилиб турибди.

Абдусафи РАҲМОНОВ,
Маданият ёдгорликлари Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармасининг бош меъмори

Академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллиги

ОҲАНГЛАРГА АЙЛАНГАН ОДАМ...

Эссе

Чиллакдек қўл-оёқлари офтобда қорайган, ярим ялангоч болакай ўйиндан зерикади чоғи, ҳайҳотдек боғ этагидаги чоғроққина хона томонга яқинлашади. Хонанинг ўзидек кичик, ярим очиқ эшигидан қизиқсиниб ичкарига мўралайди. Деворга илинган турфа созларга — дутор, танбур, ғижжагу рубобларга, доиралару сурнайлар, пастаккина дастгоҳ устидаги катта-кичик асбоб-ускуналар, қўйинг-чи, бу ердаги ҳамма, ҳамма нарса, жингалак пайрахалардан тортиб, оёқ остида сочилган оқиш, қорамтир, қизғиш қипиқларгача болакай учун ғалати ва қизиқ туюлади.

У қўрқа-писа ичкарига қадам қўяди. Ичкарида эса иккита мўйсафид сўзсиз суҳбатлашиб ўтирардилар. Қизиқ! Айнан — «сўзсиз». Уларнинг ўрниларига қўлларидаги созлар «гапиради». Болакай уларга тикилган қўйи ҳайрон туриб қолади. Ўзи ҳам бирон созга қўл тегизиб кўргиси, улардан чиққан садога қулоқ тутгиси келади. Лекин бундай қилолмайди. Чўчийдими, уяладими, иккиланадими, айтиш қийин. Шу боис, устахонадаги икки мўйсафидга маҳлиё бўлганча тураверади.

Улардан бири — ихчамгина жуссали, калта соқолли мўйсафид ёнбошида турган яп-янги танбур торларини худди тараган каби, бармоқлари билан бир сийпайдию, тавозе билан суҳбатдошига узатади. Иккинчи мўйсафид — кўзига катта кўзойнак қўндириб олган, басавлат одамнинг чорпахил юзларига табассум ёйилади ва созни қўлига олиб чертади, кейин қандайдир қисқагина куйни ижро этиб, йўғон товушда жўр бўлади. Иккovлариям мамнун қиёфада кулиб юборадилар. Шундан кейин созлар тин олиб, мўйсафидларнинг ўзлари тилга кирадилар.

Болакай уларнинг тилларига тушунмайди. «Замзама», «Меҳтар», «Нохун», «Дека» деган ғалати сўзлар, ота Жалол, Ота Ғиёс, Султонхон танбур, Тўйчи ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз деган одамларнинг номлари қулоғига чалинади холос.

Ниҳоят, чорпахилдан келган одамнинг синчков нигоҳи остонада уларга қараб турган болакайга тушади-ю, сергўшт юзига табассум ёйилиб, «бу ёққа ке» дегандай имлайди. Болакай уялиб устун орқасига яширинади.

— Неваралардanми? — сўрайди у одам.

Калта соқолли одам патнусдаги ёнғоқ-майизлардан ғижимлаб олиб болакайга узатади. Бола «йўқ» дегандек бош чайқайди.

— Ке, олақол энди, ма! — дейди калта соқолли одам.

Болакай ёнғоқ-майизларни олади-ю, ҳовучига қисганча, тўкиб-сочиб ташқарига қочади. Иккала мўйсафиднинг эркаловчи табассумлари уни кузатиб қолади.

Болакай ташқарига отилиб чиқади-ю, баттар уялиб кетади. Бир лаҳза, атиги бир лаҳза ўйланиб қолади. Йўқ, у бу ерга ёнғоқ-майиз учун кирмаганди. Тўғрироғи, бу ерга нега, нима учун кириб келганини ҳам англаб етолмайди. Болалик шуури йўл қўймайди бунга. Худди йўқотиб қўйган нарсасини излаётгандек, яна ортига қайтади. Бу safар энди деразадан қарайди. Юзма-юз ўтирган иккала мўйсафид унга худди эртаклардаги сеҳргар чолларга ёхуд жуда узоқ йўл босиб келаётган кекса сайёҳларга ўхшаб туюлади...

У мана шу лаҳзаларда, бу манзара ғўдак хаёлига бир умр муҳрланиб қолажагини ва кейин, орадан йиллар, жуда кўп йиллар ўтганидан кейин ҳам, бот-бот эслаб туражагини тасаввур ҳам қилолмайди.

Мана энди бўлса, соч-соқолига оқ оралай бошлаган ўша «болакай» яқин ва йироқ болаликнинг ўша, ажиб лаҳзаларини алланечук соғинч ва ўкинч билан хотирлаб ўтирибди.

Ўша болакай — менман.

Мўйсафидлардан бири-бобом, машҳур созгар Уста Усмон, иккинчиси эса аллома Юнус Ражабий эдилар...

... Ўзбекистон Радиосининг ним қоронғи йўлакларидан шошиб ўтиб келаётган ўсмир ўзининг ширин хаёллари билан банд. Ҳозиргина студияда биринчи марта унинг овозини ёзиб олишди. Эртага унинг исми-шарифини ва товушини бутун Республика эшитади. «Қандай ажойиб! — завқланади ич-ичидан, бундан ортиқ бахт борми дунёда?...»

Ана шу хил хаёллар билан бораётган ўсмир рўпарасидан келаётган одамни кўради-ю, тўхтаб қолади. Уни қаердадир кўргандек бўлади. Чорпахилдан келган юз, бошдаги дўппи, кўздаги ойнак... Ҳаммаси алланечук таниш ва қадрдон.

Ўтган-кетган одамки кўриб тўхтайди, қўли қўксида эҳтиром билан салом беради...

Ўсмир ҳам титроқ товушда салом беради. У одам бўлса бош ирғаб алик олади-ю, паровоздек пишиллаганча ёнидан ўтади-кетади.

Ва ўсмир ана шу топдагина бу одамни қаерда кўрганини эслайди.

Ва беихтиёр, ҳайҳотдек боғ этагидаги чоғроққина хона, деворга илинган турфа созлар ва бобоси билан суҳбатлашиб ўтирган нуроний мўйсафид кўз олдида намоён бўлади...

...Ўзбекистон Радиосининг мақомчи хонандаларию созандалари ўзларининг кундалик машғулотларини аллақачон тугатишганига қарамай, хона эшиги анчагача ёпилмайди. Хона эндиликда фақат бўм-бўш ўриндиқлару курсилар ихтиёрида қолдирилгандек туюлади.

Девор ёнидаги пианино олдида ўша Одам ўтирибди. Ёнида ёшгина журналист йигитча. У шоша-пиша савол беришга ошиқади. Суҳбатдоши—катта кўзойнакли мўйсафид эса шошмасдан, жуда секин, вазминлик билан сўзлайди. Қарашлари ҳорғин ва сокин, ажин тўр ташлаган юз-кўзларида чарчоқ аломатлари сезилади. Йигитча эса бундан хижолат тортади, уни уринтирмаслик учун суҳбатни тез тугатгиси келади. Аммо бу қўлидан келмайди. Кўзларини катта-катта очкан кўйи яна суҳбатдошига тикилиб қолади, мўйсафиднинг ҳар бир сўзини хотирлаб қолишга ҳаракат қилади.

Бундан кўп йиллар муқаддам, болалик кезларида ўзи учун худди олис йўл босиб келаётган сайёҳ ёхуд эртакчи чолга ўхшаб туюлган ана шу одам энди унинг қаршисида ўтирганча ғаройиб бир эртак сўйлаётгандек туюлади унга. Куй ва мусиқа, соз ва оҳанглар ҳақидаги сирли ва сеҳрли бир эртак...

У ана шундагина, дунёда мақом деган буюк ва ўлмас бир санъат мавжудлигини, у Абу Наср Форобийу Алишер Навоийлар давридан бўён яшаб келаётганини, «Шашмақом» — «Олти мақом» дегани бўлиб, у «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» ва «Ироқ» деб аталишини, чолғу асбобларида ижро этиладиган қисми «мушкилот», чолғу асбоблари жўрлигида айтиладиган қисми «наср», ҳар бир мақом ашула билан ижро қилинадиган рақс мусиқаси — «уфор» билан якунланишини билиб олади.

Мўйсафид эса ўзининг сеҳрли «эртаги»ни давом эттираверади. Йигитча эса бир лаҳза болалигига қайтиб қолгандек бўлади. Кўзлари тўла ҳайрат, унга тикилганча ўтираверади.

«Мусиқа ва куйларнинг ҳам ранги бўлади, болам, — дейди мўйсафид кулимсираб. — Жумладан, «Наво» — кулранг, «Муножот» — тўқ жигарранг, «Чоргоҳ» оқ ранг»...

Йигитча сергакланади. Кўзлари беихтиёр катта-катта очилиб кетади. Мўйсафиднинг сўзларини ёзиб олишга шошилади. Мўйсафид эса аксинча сира шошилмайди. «Эртаги»ни давом эттираверади: «Мусиқа ва куйларнинг ҳам ўз чалинадиган вақти бўлади, — дейди у вазминлик билан. — Жумладан, «Дугоҳ» эрталаб соат 10 гача, «Баёт» соат 10 дан 12 гача, «Чоргоҳ» соат 1 дан 6 гача, «Сегоҳ» кечқурун, «Шаҳноз» тунда, «Насруллои» кеч соат 12 дан эрталаб 6 гача ижро этилади...»

Ва шу тобда мўҳжиза рўй бергандек бўлади. Яъни мусиқа ва чолғу илмидан анчайин йироқ бўлган қаламкаш йигитча илгари юзлаб маротаба эшитган мақом куйлари ва ашулаларини эндиликда фарқлай бошлаганини, қўйинг-чи ҳатто таҳлил қилишга уринаётганини ҳам ички бир туйғу билан ҳис қилади...

... Ва яна бир зум, бир лаҳза болалигига қайтади. Бир вақтлар қаршисидаги суҳбатдоши билан бобоси ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни, ўша ерда қулоғига чалинган ва хотирасига ўрнашиб қолган сўзларнинг маъносини чақиб кўргиси келади...

Суҳбатдошининг юзига таниш, ёқимли табассум ёйиладию, машҳур бир ашуланинг бир бандини, паст, хирқироқ товушда сўзсиз хиргойи қилади ва кулиб «ана шуни замзама», дейишади ва қўшиб қўяди, — «Қалай чиқди замзамам?». Кулишадилар.

Кейин «Меҳтар» нималигини изоҳлайди. Маълум бўлишича, ўз касбини пухта эгаллаб, юксак даражага кўтарган санъаткорларни «меҳтар» деб аташаркан. «Халқимизнинг бахтига бизда меҳтарлар кўп бўлган, ҳозир ҳам кўп», дея қўшиб қўяди мўйсафид ва ёқимли жилмаяди: — «Уларниям номманом айтиб берайми?...»

Йигитча «шарт эмас» дегандек бош чайқайди ва дафтарига шундай сўзларни ёзиб қўяди: «Халқимизнинг бахтига меҳтарлар кўп бўлган, ҳозир ҳам кўп. Масалан, академик Юнус Ражабий»...»

* * *

Очиғини айтсам, мен Юнус Ражабий ҳақида йириккроқ бир асар ёзиш орзусида эдим.

Юқорида ўқиганларингизни ана шу асар учун қоғозга туширилган айрим қораламалар деб қабул қилсангиз ҳам майли. Лекин, қанчалар уринмайин, у яхлит асар сифатида ҳали пишиб-етилмади. Бунинг сабаблари кўп албатта. Энг асосийси, Юнус Ражабий сиймосини ва салоҳиятини бор бўйича тасаввур этмоқликнинг анчайин мушкул эканлигида бўлса керак!

Мен олис юлдузлар ишқида ёнган ва охир-оқибат ўзи ҳам башариятнинг порлоқ юлдузига айланиб қолган султон Улуғбек ва ўзининг бетимсол ғазаллари бағрига сингиб кетган ҳазрат Навоийлар ҳақида кўп ўқиганман. Ўзлари ҳам ўзларининг бетакрор нақшларию-ажиб чизгиларига айланиб қолаёзган Уста Ширину устоз Чингиз Аҳмарлар ҳақида озмикўпми биламан.

Шу маънода, Юнус Ражабий ҳам оҳангларга айланган одам бўлиб кўринади менга.

Таассуфки, оҳангни кўриб, ушлаб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, унинг суратини чизмоқликнинг ҳам на иложи, на имкони бор.

Уни фақат тинглаш, тинглаганда ҳам бугун вужуд билан, бутун юрак билан ҳис қилиш, балки «кўриш» ва «тутиб қолиш» мумкин.

Қани энди, бир мўъжиза рўй берсаки, худди ана ўша, сеҳрли онларда Унинг суратини чизиб олиш имкони туғилса.

Ким билсин, балки бу ҳам кимгадир насиб қилар? Оҳангнинг суратини чизиш мушкул бўлгани каби, бунинг вақт-соатини ҳам олдиндан айтиш қийин албатта.

Ким билсин, балки АБАДИЯТ деганлари шудир!...

Эркин УСМОНОВ

Навосоз юракларда ўлмас наво бўлиб қолган халқимизнинг азиз фарзанди, машҳур ҳофиз Маъмуржон Узоқовнинг қарийб 40 йилдан буён мухлислари томонидан авайлаб-асраб келинаётган ушбу суратини кўрганимда қалбимда ажиб бир соғиниш, буюк қўшиқчини қўмсаш ҳиссини туйдим.

Ватан бўстонида булбулдек наво айлаган бу санъаткор умрининг ёрқин лаҳзаларини ўзида муҳрлаган фотосурат гарчи йиллар кечмишида сарғайган бўлса ҳам, ҳофизнинг қарашларида меҳр, улуғвор руҳ барқ уриб турибди.

Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган Гараша қишлоғининг қалби тоза, дилкаш, танти одамлари билан дийдорлашган улуғ санъаткордан ноёб бир эсдалик суратидир бу!

Аввалбек РЎЗИ МУРОД

СУРАТКАШ БИСОТИДАН

МАДАНИЯТИМИЗ ФИДОЙИСИ

Икки оғиз дил сўзи

Қўзибой Абдуллаев аслида Янгиер шаҳрининг Ховос қўрғонида туғилган. Мусиқага ёшлигидан ихлоси баланд бўлгани учун «Онам дерман», «Азиз ватаним», «Куйлайман», «Оҳангарон» каби ўз даврининг машҳур қўшиқларини тезда ўрганиб, мактабдошлари ва устозлари олқишига сазовор бўлди. Шу боис 1958-63 йилларда Ховос темир йўл станциясига қарашли санъат саройи, Янгиердаги қурувчилар саройи бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фаол қатнашчисига айланди.

1963 йили эса Қ. Абдуллаев Тошкент маданий-оқартув техникумига ўқишга кирди. Бу ерда Қобилжон Орипов, Тошпўлат Ашрафхўжаев, Ғафур Ортиқов, Чаман Носирова, Фазлиддин Шамсиддиновдек таниқли маданият ходимларидан сабоқ олди. Техникумни битиргач, Янгиердаги маданият саройига ишга келади ва бир вақтнинг ўзида мактабда мусиқадан дарс беради.

Ҳарбий хизматда бўлган вақтида ҳам Қўзибой Абдуллаев санъатдан узоқлашмайди. Қисмда ҳаваскорлар гуруҳини тузиб, кўплаб концертларга бош-қош бўлади. Хизматдан кейин эса чўл жойларда маданиятни ривожлантириш, тарғибот-ташвиқот қилиш ишларида фаол қатнашди. Яъни ўз илтимосига кўра, 1970 йилдан Мирзачўл районининг Усмон Юсупов номидаги хўжалигида иш бошлади. Бу ерда дастлаб Мирзачўл, сўнг Дўстлик, охири Оқолтин туманларини ташкил этишда бевосита иштирок этди. Ғалаба қишлоқ кенгашининг ташкилотчиси сифатида қишлоқ ободончилигини юксалтиришдаги хизматлари учун халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медаллари, пул ва енгил автомашина билан тақдирлан-

ди. Энг муҳими, оилавий бахтини ҳам шу ердан топди. Рафиқаси Турсуной билан тўрт фарзанднинг ота-онаси бўлишди.

1983 йили эса Қўзибой Абдуллаев Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театрига директор этиб тайинланди. Унинг раҳбарлиги остида театр иқтисодий, моддий ва ижодий ютуқларни қўлга киритди. Энг муҳими, кадрлар қўнимсизлиги барҳам топди. Театр тарихида биринчи марта тўлалигича оркестр, хор, балет, миллий халқ чолғу асбоблари, кўплаб яккахон ижрочилар фаолият кўрсата бошладилар. Ижодий жамоа нафақат вилоятлар, балки Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларида, Туркистон, Чимкент вилоятларида ҳам гастролларда бўлди. Санъатга бўлган иштиёқ Қўзибой Абдуллаевга куч-ғайрат бағишлади, театр равнақи учун астойдил тер тўкди. Бироқ ҳаёт ҳаёт-да, доим ҳам одам ўз қилган ишларига яраша рағбат олавермайди. 80-йилларнинг ўрталари Қ. Абдуллаев ҳаётида анчайин мураккаб из қолдирди. Бир неча йил театрда оддий ишчи бўлиб ишлашига ҳам тўғри келди. Лекин умидсизликка тушмади. Ҳақ жойида қарор топди. Қ. Абдуллаевни ўз лавозимига тиклаш ҳақда буйруқ чиқди. У Жиззахга ишга юборилди ва 7 йилдан буён вилоят маданият ишлари бошқармасида фаолият кўрсатмоқда. Турли миқёсларда ўтказилаётган кўрик-танловлар, Наврўз, Мустақиллик байрамлари унинг иштирокисиз ўтмайди.

Қ. Абдуллаев каби ўз ишига садоқатли одамлар бор экан, янги ижодий ютуқлар йўлидаги изланишлар давом этаверади.

Асатилла ХОЛИҚОВ,
Гулистон шаҳар, Ҳамза номидаги санъат мактаби директори

Ўтар Қушлар ноласи

Боши тўртинчи бетда

Эломонга шундай туюлдики, онаси гарчи пичирлаб, эшитилар-эшитилмас оҳангда муножот қилган бўлса ҳам, унинг сўзлари ҳаммани сеҳрлаб қўйган жўшқин хитоб сингари бутун кўл бўйлаб янграб, ҳамма ёққа ёйилиб таралиб кетди; гўё унинг сўзлари кўл атрофидаги тоғларда «Тангрим, менга қулоқ сол, менинг сўзларимни эшит...» деган ташвишли ва аниқ акс-садо берди.

Онаси отга миниб, кўлнинг жиягида кичкина тўп бўлиб узоқлашиб кетган шериклари ортидан шоша-пиша жўнаб кетгандан кейин ҳам Эломон севикли тозиси Учарни ушлагаича анча вақтгача жойида туриб қолди. Бола ҳали ўша кунни, Кўлда онаси Тангрига илтижо қилган ўша дақиқаларни умрида бир-икки мартагина эмас, балки кўп марталаб эсга олажагини, хурсандчилик онларида ҳам, бошига иш тушган пайтларда ҳам йиғлаб эслаяжагини, онаси Эломоннинг буюк манасчи бўлишини Тангридан сўрагани учун, шунинг шарофати бўлса керак, халқ уни «Момақалдироқдек гулдираган манасчи Эломон» деб атагани учун тақдиридан рози бўлажагини ҳали билмасди. У ўзининг ёшлик даври ўйротларнинг босқинчилик йилларига тўғри келишини, қирғизларнинг «Манас»ни Эломон ижросида овлоқ дараларга яшириниб олиб, йиғлаб эшитажакларини хаёлига ҳам келтирмасди. Эломон «Манас» айтишга киришишдан аввал онасининг Кўл бўйидаги дуосини албатта эслаяжагини, манасчи ўғли Эломонни яширгани учун онасини ўйротлар ўлдиражакларини, достоннинг юракдан чиққан бошламаси Эломон учун ҳам таскин, ҳам халқ руҳи буюклиги, ҳам халқнинг умрбоқийлиги куйланган Сўзнинг ғозаллиги ва теранлиги ифодаси бўлажаги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди. У «Манас»нинг Эломон оғзидан чиққан қуйидаги сўзларини одамларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, нафас олишдан ҳам ўзларини тийиб эшитажакларини билмасди:

«Қирғизлар, қирғизимиз, ҳаммамиздан буюгимиз Манас ҳақида сўз очгай.

Ўша кунлардан то шу кунларгача қанча кунлар қумдай оқиб кетди, бир-бирларини қувиб сон-саноқсиз тунлар ўтди қайтиб келмасдан, йиллар ва асрлар карвони изсиз поёнсизликда йўқолди... Бу дунёда ўша кунлардан буён қанча жонлар келибкетди, дунёда қанча тошлар бўлса шунча одамлар, балки ундан ҳам кўп одам келиб, кетгандир. Улар орасида буюк кишилар, кўплар танимайдигани кишилар ҳам бор эди. Яхши одамлар ҳам, ёмон одамлар ҳам ўтди. Тоғқомат полвонлар ҳам, йўлбарс келбат баҳодирлар ҳам бор эди, аллома донишмандлар ҳам, қўли гул усталар ҳам ўтди, қанча халқлар келиб — кетди, уларнинг фақат номлари қолди.

Кечаги бор нарса — бугун йўқ. Бу дунёга ҳамма келади ва ҳамма кетади. Бу дунёда фақат юлдузлар мангу туради, мангу ойга қараб олам кезади, фақат мангу қуёш абадий Шарқдан чиқади, фақат Ергина ўзининг абадий ўрнида туради. Ерда фақат одамларнинг хотираси ҳаммадан узоқ яшайди, одамнинг умр йўли эса қисқа — қош билан қовоқ орасича. Одамдан одамга ўтадиган фикргина боқийдир; авлодлардан авлодларга қоладиган сўзгина абадийдир...

Ўша кунлардан буён ўтган вақтда Ер ўз қиёфасини кўп марта ўзгартирди. Тоғлар йўқ текисликларда ўркач-ўркач тоғлар юксалди. Олдинги тоғлар ўрнида қуруқ даштлар пайдо бўлди. Жарлар емирилиб сайхонликларга айланди; дарёсойлар оқиб ётган ўзанлар текисланиб кетди. Айни вақтда, ер устида ёмғир-қор сувлари чуқурликлар — жарликлару даралар ҳосил қилди. Дунё яратилгандан бери чайқалиб турган мовий денгизлар ўз ўрнини қумли чўлларга бўшатиб берди... Шаҳарлар қад кўтарди, шаҳарлар вайрон бўлди ва чолдеворлар ўрнида янги деворлар тикланди...

Ўша кунлардан бу кунларгача сўз сўз туғди, фикр фикр туғди, қўшиқ қўшиққа уланиб кетди, эртак чўпчакка айланди. Саноқсиз душманларга қарши курашган қирғиз қабилаларининг халоскорлари бўлиб қолган Манас билан унинг ўғли Семетей ҳақидаги достон бизга ана шундай етиб келди...

Бу достонда биз ота-боболаримизнинг овозини эшитамиз, айни вақтда, неча асрлар олдин учиб ўтган қушнинг юксак парвози, тулпор туёқларининг аллақачон сўнган дукур-дукурлари, душманлар билан яккама-якка олишган ботирларнинг ҳайқириқлари қулоғимизга келади. Йиғи овозларию ғалаба ўронлари қулоққа чалинади. Ана шу сўзимизда ўтмиш ҳаёт тирикларнинг кўз олдида, тирикларга ҳамду сано айтиш, тирикларни шарафлаш учун яна намоён бўлади...

Алқисса, биз буюклардан буюк Манас ҳақидаги ва унинг жасур ўғли Семетей тўғрисидаги достонимизни бошлаймиз — тирикларга ҳамду сано айтиш учун, тирикларни шарафлаш учун...»

Бу болакай ўзининг Худонинг марҳамати ила қирғизларнинг жунғорларга қарши ҳаёт-мамот курашининг жарчиси бўлиб қолажагини ҳали билмасди, у ўз боши учун душман мингта тулпор ваъда қилажагини, хоинлар ушлаб бергач, қозоқларнинг жазирама чўлида бутун танаси чавақланиб, кўзлари ўйилиб, қийноқда ўлажагини ҳали хаёлига ҳам келтиролмасди. Ахири, қонига беланиб, ташналикдан жон бераётган сўнгги онларда яна мана шу кунни, шу соатни, шу Кўлни — онаси илтижо қилган Кўлни; узоқ ўлкаларга учиб кетиш учун тўпланган ана шу қушларни яна эсга олажагини ва буларнинг ҳаммасини ўнгидагидек кўз олдига келтиргач, «Онажон» деган хитоб билан жон беражагини ҳали билмасди.

Буларнинг ҳамма-ҳаммаси — шоҳ-шуҳрат ҳам, кураш ҳам, ҳалокат ҳам олдинда эди...

Ҳозир эса, у Иссиққўл ёқасида, онаси сажда қилган жойда тозиси Учарни ўз қўлидан чиқиб, одамлар ортидан чопиб кетмаслиги учун бўйнидан қаттиқ ушлаб турар эди. У бирдан касал отаси эсига тушиб, шошиб қолди.

— Кетдик, Учар, кетдик, — деди у итига буйруқ бергандек ва тоғ ёнбағридаги овулига қараб шоша-пиша юра кетди. Кўлдан узоқлашганда ҳам қуш галаларининг бетиним чағир-чуғур, ғоқ-ғоқ овозлари қулоққа чалиниб турди...

* * *

Ўша кечаси тонг саҳарда кенжатой Эломоннинг кўз олдида буюк ўтовсиз Сенгирбой фоний дунёдан кўз юмди. Отасининг охирги дақиқаларда хириллаб, нафаси тиқилиб ғализ айтган сўзларини деярли тушуниб бўлмасди. Лекин бола титраб-қақшаб ва йиғлаб отасининг юзига эгилиб турар экан, ўчоқдаги оловнинг ним ёруғида чол лабларининг ҳаракатидан отасининг нима демоқчи бўлганини пайқади. Бола икки сўзни тушунди:

— Толчуйда... нима..

Тушунди-ю, лабини тишлаб йиғлаб юборди, сўнгра қаттиқ ҳунгради ва ўзини йиғидан тия олмасдан деди:

— Йўқ, ота, ҳеч қандай хабар йўқ! Мен сизга қандай ёлғон гапирай! Ҳеч дарак йўқ. Мен бир ўзимман. Эшитаяпсизми? Мен қўрқаяпман. Ўлманг, отажон, сиз ўлманг. Тезда онам келади, тезда онам келади...

Ўғлининг сўзларига ота тушундими-йўқми, Худо билади. Шу заҳоти унинг жони чиқиб кетди, кўзлари очиқ қолди. Отаси жон таслим қилиш билан, яшин тезлигида келган ўлим чолнинг юзини қўрқинчли тусга киритиб, бутунлай ўзгартириб юборгани заҳоти бола қўрққанидан ўтовдан отилиб чиқди ва нима қиларини билмай, ваҳимага тушиб, дод солиб ҳунграб боши оққан томонга чопа кетди. Учар ҳам нима бўлганини тушунмаса-да, думини қисиб, қўрқа-писа Эломон ортидан чопаверди. Эломон Иссиққўлнинг тўлқинлар мавжланиб ётган қирғоғига етгандагина ўзига келди. Шу ерда у серрайиб, туриб қолди.

Иссиққўл ўша кечаси жунбушга келиб, шиддатли чайқалиб, тўлқинларни ўйнатмоқда эди. Бироқ Эломоннинг қулоғига бошқа товушлар — тўхтовсиз қий-чув эшитилди. У осмонга қаради ва нимқоронги осмонда сон-саноқсиз қушлар булутини кўрди. Беадад, тумонат қушлар. Қушлар Кўл устида катта доира ҳосил қилиб, айланиб учмоқда, йўлда учрайдиган тоғлар тепасидан ошиб ўтиш учун юксакликка кўтарилаётган эди. Ниҳоят, қушлар Кўл устидан охирги марта айланиб учиб ўтди ва турнақатор тизилишиб, янада баландга кўтарила бориб Бўўм дараси томон йўл олда ва довондан ошиб Толчуй водийси йўналишида кўздан ғойиб бўлди. Бола қушлар йироқ ўлкаларга узоқ муддатга учиб кетганини, уларнинг Толчуй водийсидан ўтишини, ундан наридаги номаълум ва нотаниш юртларга боражагини тушунди ва ўзини қўлга олиб, жони борича қичқирди:

— Бизнинг отамиз ўлди! Қўйчиман акамга айтинглар — отамиз вафот этди! Отамиз ўлди, ўлди!..

* * *

Биз тоғлар устидан учдик. Довонга етганимизда қаттиқ шамол туриб, қоп-қора булутларни қаршимизга ҳайдаб келди. Олдин ёмғир томчилади. кейин ҳўл қор ёғди, шалаббо бўлган қанотларимиз яхлади, учиш қийинлашди. Бизнинг галамиз орқага қайтди, бизга эргашиб бошқа галалар ҳам орқага қайтди. Биз ҳаммамиз бақириб-чақириб яна кўл устида айланиб уча бошладик, қанотларимиз сергиди, айланиб учганимиз сари юксакликка кўтарила бордик, сўнг яна йўлга тушдик. Лекин бу гал шу қадар баланд кўтарилиб учдикки, тоғлару булутлар жуда пастда қолиб кетди, қуёш нурлари бизни қувиб етганда довондан ошиб ўтган эдик, остимизда узоқда Толчуй водийси кенг ёйилиб ётарди. Эҳ, роҳатбахш Толчуй, буюк чўлларга туташиб кетган гўзал водий! Бутун водий бошдан-оёқ қуёш нурларига чўмилиб ётарди, ерни яшил майсалар гилами қоплаган, дарахтларнинг новдалари эса, бўртиб, куртак боғлаганди.

Водийнинг ўртасида илонг-билан бўлиб кумушранг Чуй дарёси оқиб ётибди, йўлимиз худди шу дарё ўзанидан, ўтиши керак. Биз соғинганимиздан осмондан туриб водий билан ўз тилимизда қийқириб саломлашдик, сўнг дарё бўйлаб аста-секин пасая бошладик ва ерга яқинлашиб бордик. Чунки сал нарида дарё бўйида сувли қамишзор бор, қуш карвонларининг кўлдан бошланган доимий буюк йўлида биз ана шу ерда биринчи марта қўниб ўтишимиз керак. Бу ерда биз дам олишимиз, озиқланиб олгач, яна сафарга отланишимиз лозим. Бироқ бу гал одатдаги жойга қўниб ўтиш насиб этмади.

Галаларимиз қанотлари ва думлари ёрдамида парвозни секинлаштириб, бирин-кетин жонажон қўним жойимизга яқинлашганимизда қирғинбарот жанг устидан чиқиб қолдик. Бу даҳшатли бир манзара эди. Сон-саноқсиз одамлар, минг-мингларган отлиқ ва пиёдалар шу ерда, бизнинг қўним жойимизда жон бериб-жон олишмоқда эди. Даҳшатли ҳайқириқлар, ваҳшиёна овозлар, бўкириш-ўкиришлар, наъралар, чинқиришлар, инграшлар, отларнинг кишнашлари, пишқиришлари осмону фалакни қоплаганди. Кенг майдонда одамлар бир-бирларини жаҳаннамга жўнатишмоқдайди. Кишилар бир қарасанг, наъра тортиб бир-бирларининг устига найза ўқталиб ёпирилишар, тўқнашиб қолганда бир-бирларини ерга йиқитишар, тириклайин устига от қўяр; бир қарасанг, бир-бирларидан қочиб узоқлашар; бир қарасанг, бировлар қочиб кетаётган бўлса, бошқалари қувиб кетарди. Кимлардир қамиш орасида пичоқ ва қилич билан жанг қилиб, бир-бирини бўғизлар, қоринларини ёрарди. Қаёққа қараманг, одамларнинг жасадларию отларнинг ўликлари тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётар, сув кенг ёйилиб оққан жойда сон-саноқсиз мурдалар дарё сувини тўсиб қўйганди, қип-қизил қон аралаш сув ҳамма ёққа ёйилиб, отларнинг тўёқлари остида қон халқобларини ҳосил этганди.

Бизнинг галаларимиз юраклари орқага тортиб, саросимага тушиб, гангиб қолди, осмонда қий-чув бошланди, сафларимиз бузилиб кетди ва ҳаммамиз ваҳимага тушиб бетартиб булутлар каби бир жойда айланиб уча бошладик. Анча вақтгача ўзимизга келолмадик, бир-бирларини ўлдирган бахтсиз одамлар устида бирпас учиб юрдик, талай вақтгача галаларимизни тўплаш билан овора бўлдик, аллавақтгача тинчий олмадик. Охир-оқибат, биз ўша ерга қўниб ўта олмадик, ўша машъум жойдан кетишга ва сафарни давом эттиришга мажбур бўлдик...

* * *

Кечиринглар, ўтар қушлар! Бўлиб ўтган ваҳшийлик учун кечиринглар, бўлажак ваҳшийликлар учун кечиринглар. Бани одам ҳаёти нима учун шундай эканини, нега она заминда шунча ўлдирилганларга ва ўлдирилаётганлар борлигини мен тушунтириб бера олмайман, сизлар тушуна олмайсизлар... Кечиринглар, Худо ҳақи, кечиринглар, мусаффо кенгликларда сафар қиладиган самовий қушлар... Жанг тугагандан кейин у ерда қузғунлар базми бошланди, ўлимтикхўр қушлар жиғилдони ёрилгунча одам гўштига тўйишди, учиш у ёқда турсин, қанотини ҳам қимирлата олмай қолишди. Жангдан кейин шақаллар базми бошланди — чиябўриларнинг одам гўштига қорни шу қадар тўйган эдики, гавдаларини судраб зўрға кетишди. Қушлар, кетинг бу ердан, бу мудҳиш жойдан узоқ-узоқларга учиб кетинг.

* * *

Ибтидоий табиат мавжудлигидан буён шундай: ҳар сафар вақти етганда — эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас — ҳар йили бир хил вақтда қушлар узоқ сафарга отланади. Улар албатта учиб кетади, учганда ҳам фақат ана шу кўчар қушларгагина маълум ўзгармас ҳаво йўллари бўйлаб учиб, дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига боради. Момақалдироқлару бўронлардан ўтиб, кечаю кундуз қанот қоқиб учади, ҳатто учаётиб ухлаб кетади. Уларнинг тириклик моҳияти шунда: табиат дунёсида нарсаларнинг ўзгармас тартиби мавжуд. Қуш карвонлари шимолга, азим дарёлар бўйларига, азалдан уя ясаб бола очадиган жойларга учиб боради. Кузда эса, вояга етган болалари билан жанубга учиб келади, шу зайлда бу жараён узлуксиз такрорланаверади...

Мана, биз қанча кунлардан бери учиб кетаяпмиз. Ана шу осмону фалакда, ана шу совуқ ҳукмрон юксакликда шамол мангу дарё каби шовқин солиб оқиб ётади. Бу дарё чексиз Коинотда нозоҳирий Вақтнинг номаълум томонга тиним билмай қилаётган ҳаракатидир.

Бизнинг бўйинларимиз камон ўқи, танамиз юрак бўлиб, чарчоқ нима эканини билмасдан шиддат билан ҳаракатда. Ҳали сафар узоқ, толмасдан қанот қоқаверамиз, қанот қоқаверамиз...

Биз борган сари баланд кўтарилиб парвоз қилмоқдамиз... Энди тоғлар текисликдек бўлиб қолди, кейин эса, умуман кўринмай кетди, курраи замин бўлса узоқлашгандан узоқлашиб, ер юзаси чаплашиб кетгандай бўлди — қаерда Осиё, қаерда Оврупо, қаерда океанлару қаерда қуруқлик эканини фарқлаб бўлмай қолди. Гир-атрофимизда бўшлиқ ҳукмрон, чексиз Коинотда фақат бизнинг Ер сайёрамизгина чўлда адашган бўталоқ каби олам кезмоқда, секин сузиб онасини қидириб юрибди. Хўш, ўша она туя қани? Ернинг онаси, онаизори қани? Савол — жавобсиз! Фақат шамол, хилват юксакликларнинг шамоли ғувиллайди, фақат Ер курраси ёш боланинг бошидек якка-ёлғиз сузиб, чайқалиб қўймоқда — еримиз беқарор, еримиз беқарор. Наҳотки, ана шу ер шунчалик Яхшиликлар маскани, шунчалик Ёвузликлар макони бўлса?! Йўқ, ёвузликка эрк бермаслик керак, ўтинаман, кадҳудолар, сўзамоллар, ижодкорлар!

Мен ана шу парвоз қилаётган галада бор-йўғи бир қушман. Мен турналарга қўшилиб учиб кетаяпман ва ўзим ҳам турнаман. Мен турналар билан бирга қоронғу кечада юлдузлараг қараб, кундузи экинзоралр ва шаҳарлар устидан учаман. Ўйларга толаман...

Қушлар галаси узоқдан кўздан ғойиб бўлади. Қанотлари кўринмай кетади. Мана, гала осмонда бир кичкина нуқтага ўхшаб қолди ва у ҳам ғойиб бўлди...

Ҳадемай, яна баҳор келди ва яна осмони азимда турналар «қур-қур»и янграй бошлади...

Русчадан Суюн ҚОРАЕВ таржимаси

Жузъий қисқартириш билан босилмоқда. — Ред

БИР ЕНГЛИ ЎЙИННИНГ МАЪНОСИ НИМА?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Бу Ватан улуғ ва поёнсиз, буюк!

Суғдийлар яшаган бу юртда илк бор. Қақшатқич зарбага учраб Искандар айнан шу ерларда тору мор бўлган. Олис мозийнинг чексиз тарихий битиклари, муқаддас «Авесто» саҳифаларида Бақтуриянинг соф обу ҳавоси, хуш манзаралари куйланади. Муборизи, енгилмас курашчи Туморизи, Широқ, Сафедоманлар, улуғ аждодларимиз скуфлар, масонийлар — саклар ва дағлар неларга қодир бўлган, қандай кўшиқлар куйлашган, рақсларга тушишган.

Суғдона қўшиқ ва куйларни ҳар ким ўз тасаввури кенглигида тахайюл қила олгай.

Қадимда рақс эркаклар учун курашга шайланиш ибтидоси ёки, аксинча, кураш интиҳоси бўлган. Полвонлар ўйнаб-ўйнаб рақсга тушишган. Мағлублари бош эгиб майдондан чиқишса, ғолиблари яна бир карра давра айланиб, шодлигини ўз рақсида ифода этиб, майдонни тарк этишган. Баҳор байрами Наврўзда катта шодиёна, базмлар бўлган, қизлар ва йигитлар рақс тушишган, ҳатто бир-бирлари билан оломон кўз ўнгида бел олишган.

Қадимий аждодларимизнинг илк турмуш даврларида йигит ва қизлар деярли бир хил кийинишган. Кейинчалик оила, бола-чақа кўпайиши, масъулият ва турмуш ташвишлари орадаги тафовутни юриш-туриш ва кийинишда фарқлашни тақозо этган.

Даврадаги ёшнинг қайси жинсга мансублигини аниқлаш мақсадида, курашаётган ёки рақсга тушаётган қиз боланинг бир енги ечиб қўйилган. Унинг оппоқ билаклари кўриниб турган. Ким ғолиб чиққани, йигитми ёки қиз, енгига қараб аниқланган.

Бу усулни илк бор Сафедоман ўйлаб топиб, Фарангис деган қиз билан рақсга тушган. Турган гапки, Сафедоман гўзални қучоқлаб кўтариб, ерга ётқизган ва киши билмас ўпиб олган.

Ўша даврларда бу ўзига хос гўзал анъана бўлган. Тарих ғилдираги асрлар силсиласини анча илгарилатиб, орадан юз минг йиллар ўтди. Айрим урф-одатлар унут бўлди, айримлари ёмон ва яхши маънода тикланди.

Динлар пайдо бўлиши ва ўзгариши, ислом динининг қарор топиши инсоният тафаккурида янгича босқич ясади. У, айниқса, аёл ва эркак киши ўрнини муқаррар белгилаб қўйди. Инсоният томирида асрлар оша оққан қон, шайтоний ҳисларга мойиллик, майхўрлик, фаҳшу зино ўрганган кўнгилларни ўртаб келди. Барибир ақлдан юрак, дунёвий ҳирс-ҳавас баъзилар учун муқаддас турди.

Инсоният қонидаги гуноҳга мойиллик ҳисси асрлар давомида тараққиёт ғилдирагини ботқоққа илинтириб, илгарилашга, ривож топишга тўғаноқ бўлиб келди. Бу ирсий айнишларни, бузилишларни келтириб чиқарди. Айшу лаззатнинг янги турларини — ичиш, чекиш ва зинокорлик билан шуғулланувчиларни вужудга келтирди.

«..Боёнлар қовоқхона ва ишратгоҳлар очдуруб, бир навъеки мурти сабза урмаган ўғлонларни ожизалар либосинда ўюнга тушириб, гашт сурар эрдилар. Боёнқулихон даврида бир мозий битигини ўқуғон илмли айёш кимса дебдурки: «Мозийда ожизалар эркак либосинда рақс ва курашга тушар эдилар. Фарқ анда эдики, аларнинг бир енги ечилур эрди». Андин сўнг, жононларга ўхшаб, бача ва ўғлонлар тўнларининг бир енгларини ечишиб, хотунларга ўхшаб ҳирсни уйғотадиган қичиғлар қилишиб, бачамуқомни авж олдиришиб юборди. Бу касрий ўйинлар Хоразмшоҳлар сарҳадинда, Туркманлар жонибиндан то Бухоройи Шариф ва яна бир қанча шаҳру вилоятларга тарқамушдир», деб ёзади «Китоби тарихи ирсият»да Жадиди Зуллисоний.

Ушбу битикларга илк бор кўзим тушганда, ғалати кайфиятда қолдим. Бу китоб албатта ҳаддан ташқари майл ва шуғулларга бағишланганки, у инсонни тузатишдан кўра кўпроқ бузади, айниқса, ёшларни. Шу боис ул манбани анга тушадиган нигоҳлар йўлини беркитиб савобга қолган гуноҳкордек, ёпдим. Бироқ бу маънидан элни хабардор қилишдан муддаом тамом бўлакчадир.

Зеро, бугунги санъат оламида айрим ҳунар кўрсатаётган санъаткорлар ўз чапдастлигини, ҳунарини намойиш этиш учун бир енгини ечиб рақсга тушаётирлар. Яна тоғни урса талқон қиладиган девдай-девдай йигитлар. Афсуски, улар бу нарсани ўз шахсий ўйинлари сифатида эмас, ўзбек миллатининг халқ ўйини сифатида «бир енгли беқасам» тўнларда жаҳонга намойиш этмоқдалар.

Юқоридаги битикларни ўқиганлар нима дейишади ёхуд бу ҳангомалар жаҳон бўйлаб тарқалиб кетмаслигига ким кафолат беради? Шуларни бир ўйлаб кўриш жоизмикин деган тахайюлга бориб, ушбу мулоқотларни битар эканман, ор ва номус масаласида шубҳа уйғотадиган «бир енгли ўйин» истиқболини, унинг муаммоларини бир ўйлаб кўришни мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола қиламан.

Зеро, бизнинг ҳар бир босган қадамимиз санъатимиз ва маънавиятимизда миллий ғурурни уйғотиши керак.

Олимжон БЎРИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ОБУНА БОШЛАНДИ

Азиз муштарийлар!

Мамлакатимизда нашр этилаётган барча матбуот нашрларига, шу жумладан, Сизнинг севимли ҳафталик газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ҳам 1998 йил учун обуна бошланди.

Газета янги 1998 йилда ҳам кўп йиллардан буён шаклланган ўз анъаналарини давом эттиради. Муштарийларимиз эътиборини қозонган «Ўзбеклар ва дунё», «Жараён», «Ўзбек романи: кеча ва бугун», «Шеърият ва замон», «Тарих ва тақдир», «Тадқиқот, ахборот», «Руҳият иқлимлари» рукнлари остида рангбаранг мақолалар, суҳбатлар, тадқиқотлар билан танишасиз. Янги давр адабиётининг энг сара намуналаридан парчалар, кино, мусиқа, тасвирий ва амалий санъатга оид мақолалар газета саҳифаларида мунтазам бериб борилади.

Азиз муштарийлар! Кўп йиллик ижодий ҳамкорлигимизни янги йилда ҳам давом эттириш учун газетага обунани ўз вақтида расмийлаштиришни унутманг. Эътиборингизга яна шуни маълум қиламизки, келгуси йил обунаси учун газета индекслари ўзгарди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг янги индекслари:

— якка тартибдаги обуначилар учун 222

— ташкилотлар учун 223

Муҳаррирга мактублар

ОЛМОҚ БОРУ БЕРМОҚ ЙЎҚМИ?

Ҳурматли таҳририят!

Мен 1997 йил учун Жомбой пахта заводи томонидан «Сирли олам» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» нашрларига, рафиқам 32-мактаб томонидан «Фан ва турмуш» журналига обуна бўлган эди. Бироқ шу пайтгача «Сирли олам»нинг атиги битта, «Фан ва турмуш»нинг иккита сонини олдик. «ЎзАС»ни эса сўнгги вақтларда уч ҳафтада бир бор келтириб берадиган бўлиб қолишди. Суриштирсак, алоқа бўлимидагилар: «Келса, берамиз», — дейишдан нарига ўтишмаяпти.

Фақат ҳозир эмас, икки-уч йилдан бери аҳвол шунақа. Биздан бошқалар ҳам пулларини тежаб-тергаб газета-журналларга ёзилганларидан афсусдалар. Дардимизни тинглайдиган, почта ходимлари ишини текшириб, назорат қиладиган одам йўқ.

Сизлардан илтимос, биз — туман муштарийларига ўзимиз обуна бўлган нашрларни вақтида олиб туришимизга ёрдам берсангизлар.

Баҳодир БАҲРИЕВ

Жомбой тумани, Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги

Таҳририятимизга Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидан ҳам худди шундай мазмундаги шикоятлар келиб турибди. Бу ҳоллар Алоқа вазирлигининг Республика матбуот тарқатиш маркази турли нашрлар таҳририятлари билан тузган шартнома мажбуриятларини тўла-тўкис адо этмаётганидан, «Ўзбекистон почтаси» концерни фаолиятида жиддий нуқсонлар борлиғидан далолат беради. Қолаверса, катта машаққатлар эвазига газета-журналлар чиқараётган матбуот ходимларига, турли нашрларга обуна бўлаётган муштарийларга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Бировнинг пулини олган, ўшанинг эвазига иш юритаётган киши шунга яраша хизмат кўрсатиши шарт. Акс ҳолда, обуначилар матбуот нашрларини вақтида ололмайдилар, ҳаётимизда рўй бераётган янгиликлардан ва муҳим воқеалардан хабардор бўлолмайдилар. Оқибатда икки ўртада турли хил эътирозлар келиб чиқади.

Биз юқорида билдирилган фикрларга Республика матбуот тарқатиш маркази мутасаддиларидан аниқ жавоб кутамиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими, санъатшунослик доктори

Тўлқин ОБИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси ёзувчи Ўктам Ҳакималига опаси

Соифа ҲАКИМА қизининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Ўзбекистон Давлат музейи жамоаси музейнинг Бош мухофизи Т. Д. Дўстаевга отаси

Деҳқонбой ДЎСТАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1997 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0713. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6